



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzas.uz

2014-yil 23-may • №21 (4264)

**Муҳаммад Али,**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси

## ҲАЙРАТГА СОЛГАН МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

Ёзувчининг ёнида ҳамisha ён дафтарча бўлади. Менда ҳам шундай, кейин керак бўлар деб, йўл-йўлакай таассуротларни, топилма сўзлар, қизиқ ҳодисалар, нодир фактларни тушириб юраман. Тошкентдалигимдаёқ ён дафтарчамга куйидаги сўзларни ёзиб қўйдим:

“Самарқанд шаҳри. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидagi роли ва аҳамияти” мавзусида халқаро конференция. 14-16 май кунлари. Дунёнинг элликка яқин давлатидан олимлар таширф буюрадлар...”

Конференцияда қатнашиш учун Самарқандга келганимдан кейин эса, ён

ҳамма йўллар шу шаҳардан ўтарди. Турон салтанатининг пойтахти бўлгандан кейин эса, унинг рутбаси яна ҳам юксакларга кўтарилди. Шаҳарнинг кейинги тақдирини, унинг Амир Темур ва темурийлар даврида нечоғли гуллаб-яшнагани бутун жаҳонга маълум.

АҚШ, Франция, Япония, Буюк Британия, Польша, Хиндистон, Бельгия, Хитой, Голландия, Жанубий Корея, Россия, Озарбайжон, Миср, Германия каби дунёнинг элликка

### Ватан учун яшайлик!

дафтарчам қўлимдан тушмай қолди. Шарқ Ренессанси даври алломалари ва мутафаккирларининг инсоният тамаддуни, илм-фан ва маънавий тараққиёт ҳазинасига қўшган ҳиссаси гоёта беназирдир, камол топаётган ёш авлодни инсониятнинг буюк сиймолари яратган илм-фан ва юксак маданият дурдоналаридан баҳраманд этишнинг аҳамияти эса ўлчаб бўлмас даражада бекиёсдир.

Шу маънода, Юртбошимиз ташаббуси билан 14-16 май кунлари Самарқандда халқаро илмий конференциянинг ўтказилиши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Мақсад, Ватанимиз ва жаҳон жамоатчилигини буюк аждодларимизнинг дунё тамаддуни ривожидagi монанди йўқ фалоятлари билан кенг таништиришдан иборат. Зеро, турли халқлар олим-марказлар ва жаҳоннинг машҳур етакчи олимларини бобокалонларимизнинг дебхор илмий кашфиётларини батафсил ўрганишга жалб этиш, дунёга кўз-кўз қилиш, кадр-қимматларини эъзозлаш, муҳими, халқимизнинг бу бемисл илмий-маданий меросини замонавий фанларни ривожлантириш ҳамда ёшларни нодир илм ва буюк интеллектуал тафаккур соҳибларини кадрлаш руҳида тарбиялаш бағоят муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темур давлат маснадага ўлтирар экан, ўзи туғилиб ўсган Кешин эмас, балки Самарқандни салтанат пойтахти қилиб белгиланганига эътибор берарди. Она юрти келажигини ўйлаган буюк давлат арбобининг одил қарори шундай бўлган эди. Чунки, Самарқанд, аввало, юртнинг маркази, жуда кўп йўлларнинг кесишган жойи, чорраҳаси. Қисқача қилиб айтганда,

Давоми иккинчи саҳифада.



SAMARQAND 14-16 MAY 2014

яқин мамлакатидан келган олимлар шаҳарни кезар эканлар, бугунги кунда Самарқанднинг янада гўзаллашганини кўриб, бениҳоя ҳайратга тушдилар. Амир Темур пойтахти бўлган шаҳарнинг фаровон манзаралари, ўрта асрлар Шарқ меъморлик санъати ёдгорликларига уйғун ҳолда қурилган тахтиравон кўчалар, замонавий меъморий иншоотлар кўнглини мафтун қилар даражада сеҳри ва файзиёб эди. Уларга боққан меҳмонларнинг ўз таҳсини тасанноларини ифода қилишга сўз топиша олмаётганлари кўзларидаги ҳайратларидан кўриниб турарди.

Президентимиз Ишлом Каримовнинг ушбу конференциядаги нутқи ўзининг самимийлиги, буюк тарихимиздан фахрланиш туйғуси гупириб туриши билан ҳаммани мафтун этди. Унда шу қадимий юрт алломалари бўлган бобокалонларимизнинг илмий мероси, жаҳон маданиятига қўшган ҳиссалари чуқур таҳлил этиб берилди. Буюк мутафаккирларнинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ҳақида айтилган кенг камровли сўзлар анжуман қатнашчилари юрагига бориб етди. Ҳа, юракдан айтилган сўз юракка етиб боради. Юртбошимизнинг: “**Бу улуг зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаятган ютуқлари — бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб таъзим қиламиз!**”, — деган сўзлари иштирок этаётган барча олимларни ниҳоятда тўлқинлантириб юборди.



Ватан мадҳи

Пойтахтимизнинг сўлим дам олиш масканларидан бири — Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳар доимгидан файзли. Карнай-сурнай садолари яна бир тантана, яна бир шодиённинг бошланганидан дарак беради:

## КИТОБ БАЙРАМИ

қалбларни нурга,  
дилларни эзгуликка тўлаирай

Эҳе-ҳей, эшитмадим деманглар, бугун китоб байрами, маънавият байрами, кўнгилар нурга, диллар эзгуликка тўладиган кун бугун. Ҳа, ҳа, худди шундай қорловни эшитгандек бўласиз...

Бори элга яхшилик қилгилки, мундир яхши йўқ, Ким дейлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

— Ушбу газали ким ёзган, агар қайси ўқувчи шоирнинг исмини айтса, мана бу китоблар ва “Фунча” журналлари ўша китобхонага берилди.

— Мен айтмай, мен айтмай, Бобурнинг газали, — дейди кичкинагина қизалоқ.

— Тўғри топдинг. Мана сенга совға. Қизалоқ китобларни бағрига босганча кўзлари қувончдан порлаб кетади.

Мен голиб қизчани қўллаб-қувватлаётган ўқитувчиси билан суҳбатлашишга ошиқаман.

— Бу синфимдаги энг аълочи ўқувчилардан бири — Махлиё Мамасолиева, — дейди Сергели туманининг 300-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Сайёра Собирова. — Жуда кўп газал, шеърларни ёддан билади. Мана шундай китоб байрамлари ўқувчиларимизнинг китобга қизиқишини оширади. Мана қаранг, ўқувчиларимиз қанчалар хурсанд. Кеча эртага китоб байрамга борамиз, деганимда уларнинг хурсанд бўлганини кўрсангиз эди...

Пойтахтимизнинг Гафур Гулом номидаги маданият ва

истироҳат боғида “Адабиётга эътибор — келажакка, маънавиятга эътибор” шиори остида ўтказилаётган “Китоб байрами” ўқувчи-ёшлар ва жажжи ўғил-қизларга ўзгача кайфият бағишлади. Зеро, ушбу маънавий-маърифий тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад — халқ маънавиятини, китобхонлик маданиятини юксалтириш, ёзувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, оилавий китоб ўқиш анаъналари тарғиб қилиш, ёшларни миллий адабиётга, она Ватанга юксак муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган ушбу тадбирда республикамизда фаолият кўрсатаётган юздан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари ўз китоблари билан фаол иштирок этмоқда.

Давоми иккинчи саҳифада.

## “ЖАҲОН ИЧРА ЯНА БИР ОСМОН...”

Ҳазрат Алишер Навоий “Хамса”да ўзи ишлатган сўз ва ибораларга ижодий ёндошиб, уларни тимсол, рамзий образ ҳамасачилик мактаби, бадий-ижодий режа, анъанавийлик, хусусан, ўзи учун “Хамса”га киришиш ва яқунланган “Хамса”нинг рамзий тимсоли ифодаси маъносидан қўллаган.

Жаҳон, олам, дунё сўзлари рамзий образ сифатида улуг шоирнинг, биринчидан, Низомий, Дехлавий, Жомий каби устозлари, уларнинг камолоти тимсолидир. Иккинчидан, маданий, маърифий, адабий алоқалар билан боғлиқ масалаларнинг бадий акс эттирилиши ҳамда адабий-эстетик жиҳатларининг ёритилишидир.

Учинчидан эса, мазкур сўзлар умуминсоний қадриятлар тимсолидир.

Низомий шеърлати, “Хамса”сини жаҳон тимсоли билан боғлаб, ўқувчини “Тутиб гавҳарлари яқсар жаҳонни”, деб таништиради.

Хусрав Дехлавий ва у яратган “Хамса”ни эса олам тимсоли билан боғлиқлигида:

**Солиб юз шуъла ҳар дам хирманига,  
Ўзини йўқки олам хирманига** —

дед бадий лавҳа яратади.

Илм, имон, адл, одоб, вафо, эҳсон каби фазилатларнинг умуминсоний жиҳатларини ҳам шу тимсоллар билан мантқий асосда шарҳлаб, ҳаққоний тасвирлайди. Амир Темур ва Улугбекнинг дунё маданияти, илм-фанига қўшган бетакрор хизматларини олам ҳодисаси сифатида баҳолайди. Улугбек қурдирган расадхонани эса дунёнинг ёдгорлиги — “зеби жаҳондир” дея ўз даври ҳамда келажак учун бениҳоя қадри қилганини шундай таърифлайди:

Темурхон наслидин султон Улугбек,  
Ки, олам кўрмади султон анигдек.  
Расадким боғламыш — зеби жаҳондир,  
Жаҳон ичра яна бир осмондир.

Билиб бу нав илми осмоний,  
Ки ондин ёзди “Зижи Кўрагоний”.

Навоий “Хамса”да ёритган тилсимлардан бири, жаҳоннинг ҳикмати — “Ойнаи Искандарий”ни жаҳон тимсоли билан:

**Эрур Искандари Румий нигори,  
Жаҳон аҳлига онинг ёдгори** —

деб китобхонни қизиқтиради, “жаҳоннинг қорбанду файласуфи” — Афлотун билан таништиради. Навоий “Хамса”да жаҳон, олам, дунё рамзлари асосида олам аҳли, жаҳон аҳли, дунё аҳли каби ибораларда мурожаат этаркан, бу мурожаатлар улуг шоирнинг дунё халқларига асрлар давомида бағрикенглик, эзгулик, ободлик маъноларини ташувчи самимий даъватидек жаранглайди.

“Хамса” ҳазинасидаги *муддао, олам, жаҳон, дунё* рамзий образлари аслида маънавий меросгина эмас, балки Навоийнинг тадқиқоти, таҳлили ҳамдир.

**Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиг,  
Ёр ўлинг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиг иш.**

Умуминсоний қадриятларни мужассам этган бундай мисралар, олижаноб даъватлар барча даврларда жаҳон халқларининг эътирофини қозониб келаятганига шубҳа йўқ.

Буробия РАЖАБОВА,  
филология фанлари номзоди,  
ЎЗР ФА Тил ва адабиёт институти  
катта илмий ходими

## ҚУЁШ ЎЛКАСИНИНГ ЭРКА БОЛАСИ

**Болажон! Шодликдан қийқириб кулгин,  
Олам ёшаради кулгуларингдан.  
Яшиланиб борар Курраи замин,  
Бахтли болаликнинг улгуларидан.  
Обод чаманларнинг гулу лоласи,  
Қуёш ўлкасининг эрка боласи.**

**Онанг — маликаси озод диёрнинг,  
Отанг — юрт посбони, танти, мардона.  
Кўлингга дунёни тутқазиб қўйиб,  
Сени бошга қўйди Ватан дурдона.  
Обод чаманларнинг гулу лоласи,  
Қуёш ўлкасининг эрка боласи.**

**Митти юрагингда арслон шиддати,  
Мунчоқ кўзларингда лочин улғайсин.  
Кўнглинг осмон бўлса, ҳаётинг замин,  
Ватан тупроғини бахтга чулғайсан.  
Обод чаманларнинг гулу лоласи,  
Қуёш ўлкасининг эрка боласи.**

**Кичик шахзодамсан, жажжи маликам,  
Ер шарин кафтида ўйнатаётган.  
Улғайгач, саволга топарсан жавоб,  
Бани одамзодни ўйлатаётган.  
Обод чаманларнинг гулу лоласи,  
Қуёш ўлкасининг эрка боласи.**

**Бошингга Ҳумо қуш қўндириб Ватан,  
Пойингда яшнатди боғу бўстонни.  
Жаҳонга бўйлагин бўйинг етганда,  
Кўкларга кўтариб Ўзбекистонни.  
Обод чаманларнинг гулу лоласи,  
Қуёш ўлкасининг эрка боласи.**

Меҳрибон АБДУРАҲМОНОВА

# ҲАЙРАТГА СОЛГАН МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Анжуманда гулдурас қарсақлар янгради. Бу сўзларни ён дафтаримга битиб қўйдим, чунки улар ҳамиша тақорлаб туришимиз керак бўлган муътабар сўзлар эди.

Президентимиз ўз нутқида "XXI аср — билим ва интеллектуал тафаккур асри", деб таъкидлаган ва бутун бир аср йўналиши белгилаб берилган ҳайратомуз сўзлар мени қаттиқ ҳаяжонга солди. Ахир, ўзингиз ўйланг: ҳозиргидек нотинч дунёда, не-не мамлакатларда одамлар бир парча нонни қандай топсам экан, эртага тирикчилик қандай бўлар экан, деган ташвиш билан банд бўлиб турган бир пайтда, бизнинг юртимизда фурсату рағбат топиб, ўтмишда ўтган машур аллома боболаримиз ҳаётини ва илмий асарларини ўрганиш борасида халқаро анжуман ташкил этилиши ва унинг айнан Самарқандда ўтиши кишини лол қолдиради. Давлатимиз раҳбари "...бундай мавзудаги конференция дунёда кам-кам бўладиган анжумандир", деганида мутлақо ҳақ эди.

ЮНЕСКО Бош директори ўринбосари Хуберт Гизен ҳам ўз нутқида: "Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган афсонавий шаҳар" Самарқанднинг дунё аҳамиятига молик шаҳар эканини айтиб: "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" деб ном олган мазкур халқаро конференцияни ўтказиш учун бундан ҳам яхшироқ жойни танлашни тасаввур қилиб бўлмас керак", деб таъкидлади. Чиндан ҳам, илм-фан, санъат, маданият ва меъморлик марказига айланган, маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб келгани халқаро миқёсларда кўп бор эътироф этилган Самарқанднинг шундай нуфузли анжуман ўтказишга тўла маънавий ҳуқуқи бор эди.

Ён дафтарчамда бельгиялик олим Юль Енссеннинг куйидаги сўзлари пайдо бўлди. У маърузасида шундай деди: "Ўзбекистон Абу Райҳон ал-Беруний ва Абу Али ибн Синодек алломалари билан фахрланиши керак, чунки улар шу тупроқда туғилганлар ва шу заминда билим олиб, аллома бўлиб танилдилар".

Яна ён дафтарчамдан, хитойлик профессор Ши Юнли сўзи: "Алоҳида айтишим керакки, Президент Исрол Каримов нутқидан гоётада таъсирландим. Халқингизнинг бой илмий-маданий меросига эга эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим... Юксак маданиятга ўзбек халқининг ўтмишини, илмий меросини тадқиқ қилиш, чуқур ўрганиш тарафдориман".

Хиндистонлик профессор Мансура Ҳайдар сўзларига қулоқ тутаилки: "Давлат раҳбарларининг илмий анжуманларда ҳар жихатдан пухта

асосланган маъруза билан сўзга чиқиши ноёб ҳодиса. Президент Исрол Каримов ўз нутқида нафақат Осиё ёки Шарқ, балки бутун дунё учун ўта муҳим масалаларни ўртага ташлади. У ҳам бўлса — ўтмиш алломалари меросини чуқур ўрганиш орқали илмий изланишларни янги босқичга кўтариш, аини пайтда, улардан замонавий тараққиёт ва юксак маънавият йўлида фойдаланишдир. Таъкидлайманки, сизнинг ўтмишингиз шонли, аждодларингиз мероси беназир, бугунги ҳаётингиз қадри улуг..."

Ушбу анжуманда иштирок этган мамлакатимиз олимларидан, сизлар бу анжумандан ўзларингиз учун қандай янгилик олдингизлар, деб сўрадим. "Хорижлик олимлар ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари ҳақида биз ҳали билмаган маълумотларни ҳам олиб келдилар", деб жавоб беришди улар. Анжуманнинг шўъбаларга бўлинган ҳолда ўтказилган йиғилишларида Абу Райҳон ал-Берунийнинг Колумбдан олдин Америка қитъасини очганилиги ҳар жихатдан асослаб берилди ва юртимиз алломаларининг илмий меросига, унинг бугунги цивилизация ривожигаги ўрни ва аҳамиятига ҳам катта баҳо берилди.

Халқаро конференцияда Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек сингари етук қомусий олимлар, шунингдек, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа буюк бадиий сўз усталарининг илмий мероси таҳлилига алоҳида аҳамият қаратилди. Ватанимиз ва хорижлик етакчи олимларнинг ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари илмий фаолиятига доир маърузаларида IX-XI ва XIV-XV асрларда Марказий Осиёда бўй кўрсатган илмий-маданий Ренессанснинг ўзига хос хусусиятлари гоётада кенг қамраб олинди.

IX-XI ва XIV-XV асрларда Марказий Осиёда, юртимизда икки бор Шарқ Ренессанси ҳодисаси юз бергани ҳақида ўйлар эканман, мустақилликка эришган келажаги буюк давлат, интеллектуал тафаккур соҳиблари юрти Ўзбекистонда ҳозир илмий-маданий Ренессанснинг учинчи босқичи рўй бераётганидан кўнглим фараҳларга тўлади. Ҳа, эртанги кундан умидимиз катта! Келажакка ёруғ ўз билан боқамиз. Ҳа, биз ҳозир юксак кўтарилиш паллаларидамыз, руҳий парвоздамыз, зеро мамлакатимизда таълим-тарбияга йўналиштирилган ҳаражатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортигини ташкил этмоқда. Бу борада Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакатини ичда бешинчи ўринни эгаллаб турибди! Буларнинг бари давлатимиз раҳбарининг жуда узоқларни ўйлаб, зукколик билан олиб бораётган ҳаётсеварлик, тинчликпарварлик сийосатининг ёрқин натижасидир.

Ялпи мажлисдан сўнг анжуман аҳли ўрта аср-

лар Шарқ алломаларининг аниқ фанларга доир ишлари, уларнинг астрономия, математика, география, геодезия каби замонавий фанларни шакллантириш ва ривожлантиришда, тиббиёт, фармакология, кимё, минералогия каби табиий фанларни ўрганиши чуқурлаштириш борасидаги фаолиятлари, олим ва мутафаккирларнинг тарихий ва фалсафий мероси, тилшунослик ва адабиёт соҳасидаги илмий мероси каби мавзуларда иш олиб борди. Олдинда қилинадиган ишлар кўп эди: жаҳоннинг нуфузли илмий марказлари ва кутубхоналарида сақланаётган ёзма ёдгорликлар, қўлёзма асарларнинг каталоглари ва библиографик маълумотномалар яратиш ҳамда мазкур меросни ишончли сақлаш ва рақамлаш, кенг жамоатчиликнинг интернет ресурслари орқали қўлёзма манбалар билан таништиришни таъминлаш, қўлёзмаларнинг жаҳон тилларидаги илмий шарҳланган таржималарини тайёрлаш, буюк мутафаккир ва алломаларимиз ҳақида жаҳоннинг етакчи телеканаллари билан ҳамкорликда ҳужжатли фильмлар яратишга доир лойиҳалар ишлаб чиқиш, маърузалар матни, анжуман иштирокчиларининг чиқишлари, шунингдек, конференциянинг якуловчи ҳужжатларини ўз ичига оладиган тўплам чоп этиш... Буларнинг бари бизнинг боболаримиз илмий меросига бағишланганидан Оллоҳга шукроналар келтирамиз, бемисл қувонамиз.

Самарқанднинг муҳташам Расмий қабуллар саройи гавжум бўлиб кетди. Дунёнинг турли томонларидан келган олимлар шўъбалар йиғилишларидан қатъи, бахсу мунозараларни фойдаларда давом эттириб эдилар.

Самарқанддаги ушбу нуфузли анжуман мустақил Ўзбекистонимизни жаҳонга тарғиб этишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди десак, тўла ҳақлимиз. Фахрланиб, ўз-ўзиндан шеър айтиб юборганимни ҳам билмай қолсан киши.

**Агар тўрт аллома бўлса дунёда,  
Шуҳрати ҳаволаб юрган самода,  
Буни айтмасам ҳам ҳамма биладир:  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!**

**Агар тўрт шоирга тан берса олам,  
Шуудок мартабага эришса калом,  
Буни айтмасам ҳам, ҳамма биладир:  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!**

**Дунёда от сурди не-не саркарда,  
Манамад дегани бўлса агарда,  
Буни айтмасам ҳам башар биладир:  
Биттаси, шубҳасиз, бобом бўладир!**

**Замонлар ўтадир санаб ҳар онин,  
Буюк давлат бўлғай Ўзбекистоним!  
Ушанда боболар, Оллоҳ биладир:  
Ватанинг қалбида мудом бўладир!**



# АССАЛОМ, ЯНГИ ОРЗУЛАР

**Сўнги кўнғироқ...  
Мактабни  
тугатганимизга гарчи  
неча йиллар ўтган  
бўлса-да, хануз  
унинг садоси  
қулоқларимиз остида  
жаранглаб туради.**

Гўёки кўнғироқ жарангги "Қадамнинг дадил ташла, умр ганимат, эзгу ишлар қилишга улғуриб қол", дея юрагимизда акс-садо бераётгандек. Кечагидек эсимда мактабни битираётганимиздаги кўнғироқ овозидан беихтиёр кўнчилигимиз кўзимизга ёш олганди.

Эртага республикамизнинг барча мактабларида сўнги кўнғироқ чалинади. Кечагина ўзидан катта папка кўтариб илк харфларни ўрганган болакай ва қизалоқлар бугун битирувчи. Кўнғироқ садоси уларни катта ва қайноқ ҳаётга кузатмоқда. Ҳаётнинг янги бир даврига ўтиш масъулият-

ли албатта. Амма ана шу ҳаётда улар энди жамиятнинг тенг ҳуқуқли фаол аъзосига айланади.

Кўнғироқ чалаётган жажжи қизалоқ ва уни опичлаган ўсмир йигит — иккаласининг ҳам юрагида улкан орзулар. Биринчи синфни тугатган қизалоқ битирувчи опа-акаларидек аъло баҳоларга ўқишни орзу қилади. Йигит эса энди таълимни лицей, коллежларда давом эттиришни, ўзи севган касбининг етук

гани ҳам бежиз эмас. Ана шундай жонқуяр устозлар тухуқли фаол аъзосига айланади.

Кўнғироқлар жаранги битирувчи йигит ва қизлар қалбига ҳаяжон солмоқда. Ахир сиз бугун жонажон мактабнинг, меҳридарё устозларингиз, беғубор болалик билан хайрлашасиз. Сизни барча шарт-шароитларга эга лицей, коллежлар ва институтлар кутмоқда. Зеро, сиз мустақил юрда яшасиз, илм олаётиз. Сизда озод юртининг довуруғини етти иқлимга таратиш қудрати, салоҳияти бор. Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири — "ИНСЕАД" томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси яъни таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас.

## СЎНГИ КЎНҒИРОҚ

**«Мактаб Сизга  
Бўлди нур, чироқ», —  
Даб янграйди  
Сўнги кўнғироқ.**

**«Зиё изланг  
Яна ёрқинроқ» —  
Йўлга ундар  
Сўнги кўнғироқ.**

**«Дунё кендир,  
Торга тор бироқ.  
Англа!», — дейди  
Сўнги кўнғироқ.**

**«Уйғоқлик шарт,  
Бўлмаг, дер мудроқ».  
Ҳаёт бонгги —  
Сўнги кўнғироқ.**

**Сирожиддин РАУФ**

мутахассиси бўлиши ва бу йўлда қанчадан-қанча синовлар турганини ўйлайди. Зеро, йигит учун бир мактаб орда қалаётир. Амма олдинда янги мактаб, янги ҳаёт турибди.

Кўнғироқ жаранги сизга илк олган сабогингиздан тортиб шу кунгача эришган ютуқларингизни, йўл қўйган камчиликларингизни ёдга солади. Жонқуяр ва фидойи устозларингизнинг машаққатли меҳнатини яна бир бор сизга эслатади. Бирда ўта қаттиққўл, бирда онангиздек меҳрибон устозларингизнинг ўғитлари бир умр сизга ҳамроҳ бўлади. Ахир қайси-дир фанга ёки касбга меҳр қўйишигизда ана шу фидойи устозингизнинг ўрни бекиёс.

Сизларга сабоқ бериш асносида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" танловига гулиб бўлган ўқитувчининг болиб мактабингиз фахрига айлан-

Сиз бугун яна бир бор аждодларингиз кимлигини ёдга олдингиз. Улар чироғини ёқиб, амалга оширган буюк ишларни давом эттириш учун ҳаёт пиллапояларидан дадил одимлайсиз. Бу йўлда ҳазрат Навоийнинг кўнгли битиклари сизга доимо ҳамроҳ бўлади. Мирзо Улуғбекнинг йўлчи юлдузлари йўлнингизни ёритиб туради. Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Ал Хоразмий сингари буюк алломаларимизнинг тенгсиз асарлари ва илмий мерослари янги кашфиётлар учун хизмат қилади. Фазвий тригонометрия асосини деб тан олинган, ўзининг математика ва астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан шуҳрат қозongan Абу Наср ибн Ироқ "Иккинчи Птоломей". X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобий "Шарқ Аристотели" деб аталishi ҳам бежиз эмас. Давлатимиз раҳбари таъкидлагандек, "Биз буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак. Аини вақтда фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинган, ўзини ҳам худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз хиссамизни қўшайлик!" Ана шу даявда сўнги кўнғироқ жарангидек қалбларингизда бир умрга акс-садо бериб турсин.

Кўнғироқ жаранги сизни эзгуликка, улкан орзулар сизга даъват этмоқда. Хайр, жонажон мактаб! Хайр, бизга порлоқ келажаклар тилаган ва одамийликдан сабоқ берган азиз устозлар! Хайр, умрга кўнғилларда қоладиган қадрдон синфдошлар! Ассалом, янги ҳаёт, ассалом янги марралар ва орзулар!

**Б.БОТИРОВА**

Бошланиши биринчи саҳифада.

Байрам кунларида нашриётлар томонидан сўнги йилларда чоп этилган 250 дан зиёд номдаги янги китоблар намойишга қўйилганини кўриб кўнглингиз равшан тортади. "Соғлом бола йили"га бағишланган, нуфузли халқаро китоб кўргазмаларида совринли ўринларни эгаллаган китоблар тақдими, китоб муаллифлари, адиб ва шоирлар, китоб графикаси бўйича расомлар, муҳаррирлар билан ўтказилган ижодий учрашув, самитаникли ёзувчи ва шоирлар китобларга дастхат ёзиб ёшларга совға қилишмоқда. Улар болалар билан суҳбат уюштиришмоқда, суратларга тушмоқда. Бундай мулоқотлар ўғил-қизларимизни китобга тобора яқинлаштиради.

# КИТОБ БАЙРАМИ

## қалбларни нурга, дилларни эзгуликка тўлдирди

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ёш ижодкорлар истеъдодини рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимликлари ҳамкорлигида Адабиёт кунлари, минтақавий семинарлар ўтказилмоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам адабиёт кунлари доирасида ўқиб, таҳлил эдилар. Семинарнинг якуний қисмида вилоят ҳокими ўринбосари М.Қобулова Термизда бўлиб ўтган минтақавий семинар муваффақиятли ўтгани ҳақида сўзлаб, ушбу анжуман ёшлар ҳаётида ва уларнинг келгуси ижодий фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Адабиётшунос олим Исрол Ёқубов, шоирлар Болта Ёриёв, Шафоат Раҳматуллаев ва бошқалар семинарда муваффақиятли иштирок этгани, қадимий ва замонавий аънаёларнинг жиллангани, билан барчаннинг диққат-эътиборини тортиди.

Университетнинг анжуман залида "Истеъдод мактаби" VI минтақавий семинари ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Менгнор Олломурод, уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Исмоил Тўхтамишев, таниқли адиб Нодир Норматов, адабиётшунос олим Аҳмадбек Алимбеков давлатимиз раҳбарининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" риволасидан келиб чиқадиган вазифаларини ҳаётга тадбиқ этилиши ҳақида сўзлади.

Ёш ижодкорлар Мадина Норчаева ва Зилола Хушвақтова мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик сабабли Ватани-

аниҳанага айланб бораётгани оммавий китобхонлик сари қўйилган муҳим қадам эмасми? Китоб байрамларининг Қорақалпоғистон республикаси ва бошқа вилоятлар, шаҳар ва кентларда ҳам ўтказилаётгани янада қувонарлидир. Бобокалонларимиздан бир айтганидек, "Мўъжиза эмасдир фаландекки даврасига қўшиламан. — Мен ўтган йили ҳам китоб байрамини невараларим билан қатнашганим, — дейди Холита опа Мадраҳимова. — Невараларим "Китоб байрамига қачон борамиз?", деб холи-жонимга қўйма-

# КИТОБ БАЙРАМИ

## қалбларни нурга, дилларни эзгуликка тўлдирди

ди. Аслида ўзим узоқ йиллар мактабда она тили ва адабиётдан тасда берганман. Болалар газетаси-журналлари талашиб-тортишиб ўқиётганини кўраёلمисми? Ўзим ҳам ёшлигимда кўп китоб ўқиганман. Бизнинг давримизда бунанга байрамлар бўлмаган. Юртимизда ҳар йили "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" каби танловларнинг ўтказилишини айтмайсизми? Невараларимни "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президентимиз китобларидан ташкил этган махсус стенд билан таништирдим. Ахир улар давлатимиз раҳбарининг сўнги йилларда нашр этилган асарлари билан танишишса, юртимиз равақати ҳақидаги қанчадан-қанча маълумотларга эга бўлишди. Қолаверса кўп китоб ўқиган ўқувчининг дунёқараши бой, маънавий олами кенг бўлади.

Дарҳақиқат "Китобдан яхши дўст бўлмас", "Одамийлик китобга бўлган эҳтиромдан бошланади", "Китоб — энг яхши совға" мавзуларида интеллектуал беллашувлар ўтказилаётган давраларда ҳам саволларга бийрон-бийрон жавоб бераётган ўқувчиларни кўриб, беихтиёр уларнинг донолигига, зукколигига ҳавасингиз келади.

Бундай тадбирларнинг тобора

# ЁШ ИЖОДКОРЛАР АНЖУМАНИ

Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ёш ижодкорлар истеъдодини рўёбга чиқариш учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва вилоят ҳокимликлари ҳамкорлигида Адабиёт кунлари, минтақавий семинарлар ўтказилмоқда. Сурхондарё вилоятида ҳам адабиёт кунлари доирасида ўқиб, таҳлил эдилар. Семинарнинг якуний қисмида вилоят ҳокими ўринбосари М.Қобулова Термизда бўлиб ўтган минтақавий семинар муваффақиятли ўтгани ҳақида сўзлаб, ушбу анжуман ёшлар ҳаётида ва уларнинг келгуси ижодий фаолиятида муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлади. Адабиётшунос олим Исрол Ёқубов, шоирлар Болта Ёриёв, Шафоат Раҳматуллаев ва бошқалар семинарда муваффақиятли иштирок этгани, қадимий ва замонавий аънаёларнинг жиллангани, билан барчаннинг диққат-эътиборини тортиди.

Университетнинг анжуман залида "Истеъдод мактаби" VI минтақавий семинари ўз ишини бошлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими раҳбари Менгнор Олломурод, уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Исмоил Тўхтамишев, таниқли адиб Нодир Норматов, адабиётшунос олим Аҳмадбек Алимбеков давлатимиз раҳбарининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" риволасидан келиб чиқадиган вазифаларини ҳаётга тадбиқ этилиши ҳақида сўзлади.

Ёш ижодкорлар Мадина Норчаева ва Зилола Хушвақтова мамлакатимиздаги тинчлик ва фаровонлик сабабли Ватани-

**Барно СУЛТОНОВА**

**Ёзувчилар уюшмаси  
ахборот хизмати.**

Шамсиддин САДОИЙ

# АЙВОНЛАРИ ОФТОБ ВАТАН



Шамсиддин САДОИЙ 1958 йилда Бухоро вилоятида туғилган. "Мени кутган эдингиз", "Давлатинг бориди", "Дунёни муҳаббат олади", "Сени менга яратган" сингари шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

## БАҒИШЛОВ

Отам кўкрак кериб ўтган тоғу тошим, Онам райҳон эккан далам, қароқошим. Тўқсон икки уруғ, жоним қариндошим, Айвонлари офтоб Ватан, жонга жоним. Авлодлари озод Ватан, онажоним!

Адашмасдан келавергин, шунда беҳишт, Садо берар ҳар регистон, ҳар девор-ғишт. Минорларинг соясида қолар Париж, Айвонлари офтоб Ватан, жонга жоним. Авлодлари озод Ватан, онажоним!

Боболарим изин ҳеч ким боса олмас, Улдузлар ё Синюлар бўла олмас, Темурдайн етмиш давлат туза олмас, Айвонлари офтоб Ватан, жонга жоним. Авлодлари озод Ватан, онажоним!

Бир қарвонинг йўлга чиқса, бири қайтар, Чўларингда ҳатто янтоқ сано айтар.

Бешигингда Алпомишлар, беклар ётар, Айвонлари офтоб Ватан, жонга жоним. Авлодлари озод Ватан, онажоним!

Бахтни кучиб аялалаган суюгимсан, Жондан азиз, келажаги буюгимсан. Шош, Самарқанд, Бухородай улдуғимсан, Садонийга офтоб Ватан, жонга жоним. Авлодлари озод Ватан, онажоним!

## ЗИЁРАТ

Бухорон Шариф тожим, гавҳарим, Балогардон айвонларинг бор бунда. Етти пирлар салтанати, шуъласи — Етти юлдуз дostonларинг бор бунда.

Иста Мағриб, иста Машриқ, Чин-мочин, Еру кўқдан меҳмонларинг бор бунда. Лабиҳовуз, чинорларинг мезийдан, Тилсиз, тирик забонларинг бор бунда.

Халқинг жондай, истарали, олтин халқ, Ал-Бухорий осмонларинг бор бунда. Садонийга покиза бир шеър берган, Ул Хўжайи жаҳонларинг бор бунда!

## МУҲАББАТ

Дунё сеникидир, сенга бағишладим, Бахт, омад сенгадир, сенга тоабат. Мен гоҳо куйласам ишқини куйладим, Куйсам, аро йўлда куйдим, муҳаббат.

Даврон сеникидир, сенга бағишладим, Тоъленг кулгани рост бўлсин фақат.

Қирқ йил тақдир билан бир кулишмадим, Ёнсам, оловингда ёндим, муҳаббат.

Осмон сеникидир, сенга бағишладим, Юлдузлар бағримга курса ҳам пойтахт. Кўз ёшимдай бир-бир ювиб ташладим, Тўйсам, бевафодан тўйдим, муҳаббат.

Ҳижрон сеникидир, сенга бағишладим, Висолинг шарпасин пойладим не вақт. Фақат, бир сирингни еча билмадим, Кўнгил узодмадим сендан, муҳаббат!..

## ЗУЛФИЗАР

Юзта сулув бир ён, бу қиз бир ёна, Ўзи кийик, ўзи оху жайрона. Зулфи зари товланади маржона, Зулфизаржон, девонаман, Зулфизар.

Шамол бўлиб сочидан бир тутмадим, Ўртамазда бир дарё бор, ўтмадим. Шу қизни деб Бухородан кетмадим, Зулфизаржон, мастонаман, Зулфизар.

Кокилдингни кел бўйинига айла дор, Бу дунёда иккимиз бор, фақат ёр. Сен бўлмасанг бу тириклик менга ор, Зулфизаржон, ҳайронаман, Зулфизар.

Ошиқманам, ошиққа йўл керакдир, Жонга-жонон, дилимга дил керакдир. Садонийга сендай бир гул керакдир, Зулфизаржон, девонаман, Зулфизар.

## МИНОРАИ КАПОН

Бошингда самои азим ярашгай, Пойингда миёг бора таъзим ярашгай. Мағрур оқ лайлақлар ярашгай сенга, Боболар битган байт — назм ярашгай. Сенга миёг бир кеча эртаги эмас, Сенга миёг асрлик тарих ярашгай. Сенга Қоҳира ё Париж ярашмас, Сенга Бухорон Шариф ярашгай!..

қизимтил, тарам-тарам жилғалари ялтираб кўринади, бирисида эса кўм-кўк куюқ арчазор. Оқшом чўқди. Кўқда юлдузлар шунчалар кўп эдики, ой ўзига жой тополмай, чўққилар ортидан ҳар замон мўралаб кўяди. Юлдузли тунда сойнинг шовуллашига қулоқ тутганча бу пурвикро манзараларга термилиб, худди ҳозиргина дунёга келгандек сезаркансан ўзингни... Биринчи кун ил чарноғи голиб келиб, тезда ухлаб қолдик.

Гулчехра АСРОНОВА

# ТОҒЛАР БАҒРИДА



Тонг отди. Кўёш аллақачон уйғонган, бироқ тоғлар оша бизга кўриниш бера олмай ҳалак. Сои сувидан юз-кўларимиз қақшаб, совқотди. Тун билан чўғи ўчмаган танчанинг тафти жонимизга аро кирди. Ичкарида бичиниб ўтирганимиз маҳал гала-говур ашитилди, деразадан қарасак, бу ердаги ягона кўшни — Абдулазиз чўпон ўғли билан келиб, Абдуллажонга қўй сўйишда ёрдам берапти. Хижолат чека бошладим — тузукроқ танимаган одамнинг шунчалик манзират кўрсатса ноқулай бўларкан. Кўнгли кенглигини-чи буларнинг...

## Хижоя

Тушгача арчазор кездик, кейин сой бўйлаб сайр қилдик, қиялиқдан митти ва ранго-ранг тоғ гулларини тердик — эсдаликча, гербарий қилиш учун. Хали-бери уйчага қайтмоқчи эмасдик, лекин ҳаво бирдан айниб, кечаги тунд авзойини намоен қилди. "Ҳар кун бир марта ёнгингарчилик бўлади, тоғнинг одати бу", дейишгани рост экан — панага зўрга ўтдик ҳам, ёмғир бирдан қуя бошлади. Сал ўтмай майдароқ, кейин йирик дўл доналари майсазорга маржондек тўкила бошлади. Ажабо! Тоғ ортидаги ҳаёт қарийб 40 даража ҳароратда қовурилаётган бир пайтда биз айвонда қунишганча дўлни томоша қилардик! Бу жараён қандай тез бошланган бўлса, шунчалик тез тугади. Аммо ҳаво анча совиб қолганди, бир мuddат ичкарида сўхбатлашиб ўтиришга келишидик. Ҳайратларимиз чегара билмас, болалар гал бермай чўгурулашар, мезбон адоғсиз саволларга завқ билан жавоб беради. — Бу кўрганларингиз ҳали ҳолваси! — деди Абдуллажон, бизни янада қизиқтириб. —

Чўққиди кўтослар ўтлаб юрибди. Агар от мишини билганларингда, хўв ўша тик қояга олиб чиқардим. У ерда жуда кўп жониворлар бор: тулки, бўри, олмаҳон, қобон, суғур, эҳ-хе... — Борсак, кўрармидик? — Дарров эмас-ку, пойлаб турсангиз кўрасиз. Овни ҳам асосан ўша қояда қиладилар. Сиз ҳам ов қиласизми? — Илгари қилардим, ҳаваскор эдим. Энди ташладим. — Нимага? — Қизимга ҳадеб савол беравериб яхши эмаслигини англайтиш учун норози қараб

кўйдим. Лекин на у, на Абдуллажон бунга эътибор бердилар. — Охири марта суғур овлагандим. Нақ пешанасидан отибман. Ушанда учинчи синфда ўқийдиган қизим Сайқални ҳам олиб келгандим тоққа. Бир мақтангим келиб суғурни кўрсатувдим, узоқ қараб турди-да: — Дада, сиз ёмон одамми? — деб қолса бўладими! Нега, деб сўрасам, "Устозимиз мана бунақа ҳайвонларнинг суратини кўрсатиб, шундай чиройли жониворларни ёмон одамлар отиб, қириб ташлапти, дегандилар", деди. Фалати бўлиб кетдим. Биринчи марта ўлжамга қараб, ичим ачишиди. Шу-шу милтиққа қўлим бормай қўйган.

Ажаб... Абдуллажонга зимдан назар солдим. Келбати отни хурқитадиган, қарашлари ўшкита қалб борлигига ишонгиси келмайди кишининг. Яққ этиб чиққан кўёш нурлари деразадан ёғилиб, хонани ёритиб юборганида уйдан чиқиб, яна тоғлар бағрига сингиб кетдик. Мен сойнинг тоғ этагига ёндош жойда, улкан тоғ устида, кийикдек сакраб юқори кўтарилаётган кизалоқларни томоша қилганча ўтириб қолдим. Чор тарафдан қуршаб турган маҳобатли тоғларга қараб уйга толдим. Нақадар улкан, собит ва мангудир улар! Айни чоғда қалбим бу улкан абадият ҳиссини сиғдириш учун тобора кенгайиб бораётгандай эди. Гўё ҳаётимдаги шу икки кун мени янада улгайтирар, дилимга бепоенлик бахш этарди. Шаҳардаги торгина уйим, ҳар кун бир хил йўл босиб борадиган мўъжаз ишхонам, аксарият моддий ва майда ташвишларим боис торайиб кетган ботиним чегаралари чилпарчин бўлар, тоғлар юрагимга бостириб қирарди гўё. Забардаст қоялар қаршисида ҳаёт ва абадият ҳақида ўй сурар эканман, бирдан хис-туйғуларимга ойдинлик инди — Абдуллажоннинг қўлидан қуролни тушириб юборган туйғу шикастадиллик эмас, олижаноблик бўлса, не ажаб! Менга азим тоғлар орасида киши руҳияти-да уларга тақлидона нимадир юксалиб боришини, тафаккур мезонлари бепоен кенгликларга туташиб кетишини аниқлар эди. Жўнгина ҳаётимизга эртақона лаҳзаларни бахш этган икки кун поёнига етди. Кетиш керак... Истар-истамас, бу жаннатмонанд гушани кўзимиз қиймай тараддулдандик. Шунда ҳам, юклари жойлай туриб, меҳмонлардан биттаси бир оз нолган бўлди: — Алоқа йўқлиги чатоқ экан-да. Икки кун

Носиржон ЖҮРАЕВ

# ҲАЁТ МАВЖ УРАР



## ТИНЧЛИК

Тун ўтди ҳилолга жароҳат етмай, Тонг отди, кўёшни тўсмади ўқлар. Болам тинч уйғонди, оғрмай-нетмай, Онамга сим қоқдим ҳолини йўқлаб.

Ҳовлига чиқаман, дарахларим авж, Ҳали бир япроғи бўлмаган ҳазон. Яна кўкрагимда ҳаёт урар мавж, Бугунни байрам деб қиламан эълон.

## НИСБАТ

Мунажжим минбарга чиқди гердаиб, Ой биздан фалон мил олдиди, деди, У ҳам сайёрадир худди ердайн Қум-тилдан иборат. Олим ҳақ эди.

Оқшомда гузардан қайтаётган чоғ, Елкамда чуддираб ўтирган ўғлим, Мақтанди: "Ой менга энг яқин ўртоқ!" Ичимда ўйладим — Шуниси тўғри.

## ЙИГИТ ЁШИМДА

Ер юзида — йигит ёшимда — Юз бермоқда не-не ҳодиса. Чарх уради қунар бошимда: Бири армон, бири мўъжиза. Икковимиз айрилган вақти, Танга каби туйнук эшитдик —

хеч ким билан хабарлашмадик. Чўққиларнинг биттасига антенна ўрнатилса бўлмасмикан-а? Абдулазиз ака жилмайганча бош чайқади: — Бўлмайдди. Унақадда одам босиб кетади-ю бу ерларни. Аввал антенна ўрнатишди, кейин уй қуриб, электр олиб келишди. Ана ундан кейин арчаларни кесиб ёқишди, жониворларни қиритишди, суғга тўқинди ташлашди... Бу ерларни одамлардан қизғонлиги део уйлама. Ахир, қаердидир табиат шундайлигича қолиши керак-ку? Чўпон ҳақ эди. Атрофга назар солиб, икки кунлик ташрифимизнинг бир нечта оқибатларини кўрдим: супуринди, пўчқоқлар, ҳар ёнда учиб юрган елим халтачалар... Атига икки кунгина яшаб, бизга бошпана берган хилқатнинг пок бағрини булғашга улғурибмиз. Бу гўшага онда-сонда, йилда

бир-икки мартагина меҳмон келади, дейишганди. Шуниси маъқул экан... Табиатнинг дахл қилганимга пучмоқлари бўлиши, кўпроқ бўлиши керак! Йўлга тушдик. Қиялаб бораётиб арчазорга жуда яқин келган эканмиз, кимдир шодон қичқириб юборди: — Қаранглар, олмаҳон! — Қани? — Ана, ана! — Йўқ, бу олмаҳон эмас!

Зангорлик бағрида бир-икки кўриниш берган чағдаст жониворнинг асли нималигини англаёлмадилар. Мен ич-ичимда бу ўша суғурнинг омон қолган боласи эканлигига ишонгим келар, энди унга қаратилган милтиқлар сони биттага бўлса ҳам камайгани ҳақида ўйлар эдим.

Гулчехра АСРОНОВА 1968 йилда Фарғона вилоятида туғилган. Тошкент давлат Агар университетини тамомлаган. "Ота уйим оқиомлари" "Осмонини топган қуш" номли ҳижоялар тўпламлари чоп этилган.

Носиржон ЖҮРАЕВ 1984 йилда Наманган вилоятида туғилган. ЎзМУ нинг журналистика факултетини тамомлаган. "Улғайиш тонглари", "Муҳаббатдан сўнг..." шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

Мана энди озон қавати, Юрагимдек илма-тешиқдир. Ўлаб чиқмагани бир олим Чучук сувнинг ниҳоясини, Тингламаган эди қулоғим Унинг маънос ҳижоясини. Шўрсувлару шўрхоқлар учун Гоҳ гуноҳкор сезаман ўзим, Чунки ҳижронингда қуру тун Қанчалар ёш тўқмади кўзим! Хуллас калом, мен ҳаёт дея Тушунардим ранго-ранг чаман, Аммо энди миёглад воқеа Ўзгартирган пишқ боламан. Олам узра турфа ҳодиса Рўй бераркан, соларкан сурон, Зарра ўзгармайдиган сен эса, Ўтиб келдинг улардан омон. Тарих қанча қудратли бўлсин, Тўхтатмоққа етгиди қурбинг: Ўн йил аввал қандоқ бўлсанг сен, Худди шундоқ тўқинга кирдинг...

## НОЁБ СУЗЛАР

"Севаман" демайман, кўзимдан аммо Томчи-томчи бўлиб тушар муҳаббат. Сенга талпинганим айтмайман, илло, Қулочимни ёйиб тураман фақат.

"Соғиндим" демайман кетганимда ҳам, Зеро, йўлларингда узмасан нигоҳ. Айтмасман — ҳижронинг келтирса ситам, Кўрсатиб турибди сочимдаги оқ.

"Тушунсанг-чи!" десам бўларди, лекин Бешарҳ, беизоҳ ҳам шунча ўзгардим. Беҳуда сарфламоқ ахир шартмикин, Шундоқ ҳам, шундоқ ҳам ноёб сўзларин...

## ИККИ ҚУТБ

Ёнар тошдек таваккал отган Олам асли Кўёш, Ойини. Иккови ҳам қилур ёруғ, шаън Навбат билан тушган жойини.

Биз ҳам худди Ой, Кўёш каби, Улоққанмиз турфа манзилга. Икки кўздан оққан ёш каби, Йўлимиз ҳеч бўлмагай бирга.

## РАНГЛАР

Аниқ тасвирини билмайман, аммо Гуллар рақси тушган қаватма-қават, Ранглари югурган чизиклар аро Асл натюрмортга ўхшар муҳаббат. Балки бу тасаввур хатодир тамом, Лекин бир ҳақиқат қошида танган: Илло, яралганда ишқ деган калом, Дунё қутулганди оқ-қора рангдан.

## ИЖОДИЙ КЕЧА

Бердақ номидаги мусикали театрда қорақалпоқ адабиётининг улкан намояндалари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Ибройим Юсупов ва Тўлапберган Қаипберген таваллудининг 85 йиллигига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари Ибройим Юсупов ва Тўлапберган Қаипберген хижоялари, китоба ва романларининг тили, тимсоллари, фалсафий мазмуни, оҳорли тешбехлари ва теран ҳикматлари ҳақида сўзлаб, икки устоз адиб ҳаётидаги ибратли воқеаларни ёдга олдилар.

## ТАҚДИМОТ

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг мажлислар залида таникли шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлар, матбуот ходимлари, талаба-ёшлар ва шеърят ихлосмандлари иштирокида Ўзбекистон халқ шоири Ойдин Ҳожиёвнинг "Тўрт танҳо" ҳамда "Ишқ аро парвоналар" номли китобларининг тақдими бўлиб ўтди.

Анжуман қатнашчилари адабиёт ва санъатимизга муносиб ҳисса қўшган тўрт ўзбек аёли — Зулфияноним, Музаияна Алавия, Саида Зуннунова, Кибриё Қаҳҳоровалар ҳаёти ва ижодига бағишланган "Тўрт танҳо" номли китоби адабиёт ихлосмандларига ажойиб гулдаста бўлганини таъкидладилар.

# СОҲИБҚИРОН СЕВИБ ЎҚИГАН АСАР

**"Гулшани роз"**  
Шарқ оламида машҳур бўлибгина қолмай, кўлэмалари XVII аср бошидаёқ Фарбга ҳам етиб борган, XVIII асрда немис, инглиз, итальян, француз тилларига қайта-қайта таржима қилинган. Бу асарни Амир Темур бобомиз ҳам севиб мутолаа қилгани манбалардан маълум.

яратди, Имом Фазолийнинг "Минҳож ул-обидин" ("Тақводорлар йўли") асарини форсийга таржима қилади. Шунингдек, ғазаллар, рубоийлар ҳам ёзган. Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат" тазкирасида Маҳмуд Шабустарий шахсига ҳам, унинг асарларига ҳам юксак баҳо беради: "Таснифоту кутуби бор. Ул жумладан, "Ҳақ ул-якин" дурки, улча имкони бор, бу қавм ҳолати ва таърифида ҳам дақиқ ва ҳам муфид воқеъ бўлбдур. Яна "Шоҳид" дурки, ул ҳам ишорат аҳли тили била маориф баён қилибдур, ул дағи таърифдин мустағнийдур... Яна "Гулшани роз" дурким, ҳам зоҳир аҳлининг рангину пурқор маснавийлари ва ҳам ҳақиқат аҳлининг ширину файзосор сўзларида андин равонроқ ва пурчошнӣроқ (ўта лаззатбахш - Э.О.) ва шўран-

сингари кўплаб мавзулар ҳақида баҳс юрилади, қатор тушунчалар шеърий йўсинда аниқ ва лўнда, содда ва тушунарли таърифланади, тамсил йўли билан далиллар келтирилиб, кенг ва чуқур изоҳланади. Маҳмуд Шабустарий нафақат Шарқ, балки Фарб фалсафий-ижтимоий тафаккур тараққиётида ҳам ўзига хос ўрин тутди. "Гулшани роз" асари ўзилган вазнда — ҳазажи мусаддаси мақсур (маҳзуф) билан аслига мувофиқ таржима қилинган:

**Шариат пўст эрур, мағзи ҳақиқат,  
Ул икки ўртада тургай тариқат.**

Айни маъно таржимада ҳам аслиятга мос ҳолда қайта яратилган. Бу образли лўнда таърифда шариат зоҳиру ҳақиқат ботин, тариқат эса шу иккисининг ўртасидадир, дейилмоқда.

Кўрииб турибдики, байтларда ифодаланган маънолар ўзбекчада ҳам аниқ, тушунарли ва таъсирчан чиққан. Жузъий ўзгариш ва тафовутлар эса шеърий таржима учун одатий ҳодиса: улар вазн ва қофия тақозо ўлароқ содир бўлади.

Яна:

**Вужудинг бир тикандир, хас ва хошоқ,  
Юлиб оттил уни, эттил дилинг пок.**

Бу байт ҳам деярли сўзма-сўза аслиятга мувофиқдир. Бу ўринда, поклаш дилга тааллуқли бўлиб, таржимон уни тўғри талқин қилган. Албатта, таржима муайян камчиликлардан ҳам холи эмас: маънога тақаладиган айблар ҳам, вазний сакталиклар, қофия қусурлари ҳам, форсий-арабий сўзларни бир қадар суистеъмол қилиш ҳам учрайди. Лекин таржиманинг ютуқлари олдида улар жиддий аҳамият касб этмайди.

"Гулшани роз" асари ўзидан кейинги Шарқ сўз санъатида кучли таъсир кўрсатган. Бу таъсирдан ўзбек адабиёти ҳам четда эмас. Бундан ташқари, у мумтоз шеъриятни тушуниш ва талқин қилишда ўзига хос очкичлардан бири ҳисобланади. Бинобарин, мақсур маснавий ўтмиш адабиётини адабий алоқа ва ўзаро таъсир жихатидан текширишдагина эмас, балки унинг ирфоний мазмун-моҳиятини теран аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Эргаш ОЧИЛОВ,  
филология фанлари номзоди**

**Шарқ мумтоз шеъриятида шижоат билан от сурган шоирлар кўп бўлган. Аммо улар орасида беназир шоир Махтумқулидай аср ва абадият санъаткори мақомига юксалганлари кам учрайди.**

Буюк шоир:

**Махтумқули юрагимда бир ўт бор,  
Ҳеч бир дилда бунинг каби ўт ёнас —  
деганда нечоғли ҳақ бўлса, "Сўзим билан олдим мен бу дунёни", деганида ҳам шунчалик самимий сўзлаган. Махтумқули Фирогийнинг бетакрор шахсияти ва фавқуллода жозибали шеъриятига қизиқиш наинки туркий элатлар, балки башарий миқёсдаги маданият, адабий воқеага айлангани мут-**

## ИШҚ ВА ИРФОН

лақо табиийдир. Миллият десангиз — миллиятда, шижоат десангиз — шижоатда, эл-юртга садоқат десангиз — чин садоқатда Махтумқулини тақрорлайдиган қалам соҳиби камдан-кам. Ҳақиқий шоир қисмати ва келажагини унинг юрак қони, руҳ изтиробидан яратилган асарлари ҳал қилади. Ўзига хос мукаммал бадий матн яратишни ундабала билмаган қалам-кашнинг ютуғи бақосиз, омади омонат. Махтумқули шеърларини тадқиқ ва талқин қилиб, уларнинг туғилиш тарихи ва маъно-моҳияти, фазилатидан баҳс юритганда сўзи, руҳи, оҳанги, ранг ва ифодаси ёлғиз Махтумқули Фирогийга тегишли поэтик матн ағона таянчилигини мушоҳада қилиш лозим. Мана шунда шоир шеърларининг ҳаётий, ахлоқий, сиёсий, фалсафий ва тасаввуфий манзаралари ўз-ўзидан ёришиб боради.

Дарҳақиқат, нодон, табиатан майда кимсани тасаввуфий тарбия ишқ ва ирфонни ҳар нимадан устун кўрадиган бутун шахс даражасига кўтаришга қодир. Бунга ишонч ҳосил этиш учун Махтумқули шеъриятининг юрагига қўлоқ тутиш лозим. Ишқ ва ирфон билан жонли вобасталик Махтумқули шеъриятида осон ангашилладиган ҳолат. Ҳатто оддий ўқувчи ҳам шоирнинг яссавийлик, кубровийлик ва нақшбандийликка муносабатини билишда унча қийналмайди. Бундан ташқари, нубувват фалсафасининг теран ўлаштирилгани Махтумқули яратган ҳамд, наът, муножотлар қатори орифона шеърларининг ҳам файзига файз қўшган.

Туркий халқлар тарихида Хожа Аҳмад Яссавий мероси Махтумқули Фирогий шеърияти учун ирфоний бир манба ролини ўтаган эди.

"Девони ҳикмат" даги маъно, истилоҳ, талмуху тамсиллар илҳомида битилган байт ва мисралар Махтумқули шеърларида гахвардай тизилиб келади. Маса-

## Кўнғил кўприги

лан, Яссавий нафси золимдан нолиб: Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади, Термултириб халққа мени зор айлади, Ётсам, турсам шайтон билан ёр айлади — деса, Махтумқули "Ҳасрат билан кечдим хайронда қолдим, Нафс ила шайтоннинг поймоли бўлдим", дейиш билан кифояланмасдан, ҳануз долзарблигини сақлаб қолган "Одам ўғли ўзин билмас, Нафсини ўзга иш қилмас", деган умумлашма фикрчи илгари суради. Яссавий ҳикматларининг нурли, ўтли нафаси Махтумқули кўнғили ва шурида гуркираб айланган. Маънавий-маърифий ижод таърибларидан Махтумқули завқ олган устозларидан бири, ҳеч шубҳасиз, Сулаймон Боқирғоний бўлган. Махтумқули шеърларида ушбу ҳақиқатни тасдиқловчи ўнлаб да-

лил, хилма-хил эътирофлар мавжуд. Биз эса бу ўринда бир жиҳат — Махтумқули Ҳазрати Юсуф, Ҳазрати Али, Ҳўтан шоҳига бағишлаб асарлар ёзиб Боқирғоний дostonнавислигини давом эттирганини эслатиш билан кифояланмоқчимиз.

Бухорои шарифда таҳсил олган, Нақшбанд таълимотини астойдил ўрганган Махтумқули Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий танлаган маърифат ва комилик йўлига, албатта, бефарқ қоломасди. "Шоҳ Нақшбанд", "Бир нон келтирди" каби шеърлар Нақшбандга эътиқод ва муҳибликнинг бадий ифодасидир.

Сўфиёна жазба ва сурурдан қанчалик мазму мустағрик бўлмасин, Махтумқули барибир энг аввало ҳаёт шоири, воқеалиқдан асло йироқлашмаган иҳодкор. Унинг руҳи узлуксиз равишда халқ қайғуси, Ватан дарди билан ёнган. Она-ватани, захматкаш халқнинг бирлиги, ҳамжихатлиги ва истиқболига нима тўсқинлик қилса ё зиён етказса, ҳақгўй шоир, албатта, шуларга қарши бош кўтаради. Одамларнинг ягона миллий маслак, кучига куч қўшадиган эътиқодий қарашларига ким ғайрлик кўрсатса, чин шоирнинг сўзи, албатта, ўз-ўзидан қуролга дўнади. Махтумқулида худди шундай.

Ўзбек ва туркман — тили тилига, дили дилига монанд миллат. Айни пайтда улар ҳаёти, орзу-армони, қувонч ва қайғуси ўзаро яқин, қисматдош халқ. Шунинг учун ҳам Махтумқулининг бебаҳо шеърлари ўзбекнинг кўнғилида куч-қувват уйғотиб, ҳаммиса ному су ор, дини динатга қорлаб келган.

Хуллас, яссавийхонлик, навоийхонлик, фузулийхонлик каби Ўзбекистонда махтумқулийхонлик жараёни ҳам тўхтамай давом этиши мукаррар. Доншманд шоирнинг ҳикматларига тўла шеърияти бугун туркман учун ҳам, ўзбек учун ҳам бирдек аҳамият касб этишини таъкидлаш, албатта, фараҳли.

**Иброҳим ҲАҚҚУЛ,  
филология фанлари доктори**

## Китобдан яхши дўст бўлмас

гизроқ (жазб этувчи - Э.О.) ва шавкомизроқ назм айтса бўлгайки, йўқдур!"

"Гулшани роз" — Маҳмуд Шабустарийнинг номини дунёга танитган машҳур асари бўлиб, маърифат асрори билан қизиққан барча тоифани бирдай ўзига жалб этиб келган. 1317 йили арузининг ҳазажи мусаддаси мақсур (маҳзуф) вазнида яратилган "Гулшани роз" мингдан ортик байтни ўз ичига олади. Асарнинг ёзилиш тарихи ниҳоятда қизиқ; хурсонлик шоир Амир Хусайн Ҳиравийнинг ўз даври ақл соҳибларини қийнаган саволлар ҳақидаги шеърий номасини элчи Маҳмуд Шабустарий иштирок этган даврада ўкиб беради. Маҳмуднинг устози бўлган Аминиддин Табризий бу саволларга жавоб беришни унга топширади. Аввалига наърий асарларида айни масалаларга жавоб бериб ўтганини баҳона қилиб, жавоб қайтаришни хоҳламайди, лекин элчи бу гал назмий жавоб талаб қилади. Шундай кейин у дарҳол бадиҳа тарзида барча саволларга жавоб қайтариб, элчи билан бирга Ҳиравийга жўнатиб юборади. Орадан бир-муддат ўтгач, элчи бу масалаларни кенгроқ баён этишни сўрайди ва Маҳмуд Шабустарий бир неча соат ичида "Гулшани роз" маснавийсини ёзиб битиради.

Бу саволлар ва жавобларда ўз даврининг асосий масалалари — тафаккур, тариқат талаблари, ваҳдат сири, олам моҳияти, ўзлики топиш, комил инсон, Оллоҳнинг зоту сифатлари

бу саволлар ва жавобларда ўз даврининг асосий масалалари — тафаккур, тариқат талаблари, ваҳдат сири, олам моҳияти, ўзлики топиш, комил инсон, Оллоҳнинг зоту сифатлари

# Илк қадам — дадил қадам

**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан "Биринчи китобим" туркумида бу йил чоп этилган нашрларнинг аксар муаллифлари адабий жараёнда тусилиб келаётган ёш ижодкорлардир. Улар сафида Шоди Отамурод, Нурилла Чори, Алина Дадаева, Жўрабек Жаҳон сингари истеъдод эгалари бор.**

## Ёшлар ижоди

одамларга хос ички беқарорлик оқибатини кўрсатиб беради. Бунинг учун ёзувчи Қулмат чўпон образини рамзийлаштиради. Қулмат асарнинг бир ўрнида энгилмас рақибини "ўнгиға силтаб тортиб, сўлдан қоқма бериб, ер искамаган куракларини намчил сомонга босиб" кўйган полвон сифатида гавдаланса, кейинроқ пешонасига сизмаган ёлғиз тирноғию муштиптар аёлининг ҳажрида куйган ўзининг кулбасида "тиши огринга бемордай жағини боғлаб, яна бир белбоғ билан юзини ёпиб" ётишга оdatланган чол... Аслида Қулмат чўпон на замон ва на маконда мавжуд шахс. Адиб ана шу рамзий образ воситасида одамларни ўрганади, уларнинг характерини чизиб беришга уринади.

Мазкур ҳикоя реалистик методнинг кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатади. Яъни муаллиф реалистик ифода замирига рамзий-мажозий, замон ва макон билан уйғун келавермайдиган абстракт сюжетни сингдиради. Бу эса, насрий ифода имкониятларини янада оширишга хизмат қилган.

Нурилла Чорининг биринчи китобидан "Қизгалдоқ", "Унутилган киши", "Бўрон тинган кеча" номли ҳикоялари ҳам жой олган. Ишонамизки, ўқувчи бу мўъжаз тўпламдаги асарларни завқ билан ўқийди.

"Биринчи китобим" муаллифларидан яна бири Маҳфуза Имомова баҳор фасли манзараларини шундай тасвирлайди:

**Тун неғдир кўринмай қолди,  
Тунамоқда балки йўлакда.  
Ой ёруғлик ичра йўқолди.  
Кўёш чиқди...  
Шаффоқ кўйлакда.**

Ушбу мисраларни ўқиб, кўз олдингизда кўлмак тонги манзараларининг рангин, нафис жилолари гавдаланади. Шоиранинг "Биринчи китобим" туркумида нашр қилинган "Ёруғ йўл" номли тўпламига энг сара шеърлари жамланган. Бу шеърларга хос содда ва самимий ифодадан, новдақалб соҳибасининг ёруғ орзулариға йўғрилган соҳир туйғуларни тасвиридан ўқувчи беихтиёр завқ туяди: **Соялар товуши келар узоқдан,  
Ичккан дил билан тутарман кулоқ.  
Рўҳан синоларға чиққан чоғда,  
Борарман тобора кунга яқинроқ.**

Сергалва ҳисларга бегона юрак  
Нурларга чулғаниб кетти — чаман, гул.  
Орулардан маржон тузмагим керак,  
Қаршимда чорлайди тонгдек ёруғ йўл!

Яна бир истеъдод соҳиби Жўрабек Жаҳоннинг илк "Туйғулар шаҳарчаси" номли тўплами ҳам "Биринчи китобим" туркумида чоп этилган.



Жўрабекнинг шеърлари замонавий шеъриятимизнинг анъанавий қолипларига кўпма қўшма тушмайди. Уларга хос катий оҳанг, қутилмаган ҳулосалар, бадий образнинг ноодатий шакллари беихтиёр эътиборни тортади.

**Отанинг кўзига тик боққанам чин,  
Онамга қаттиқ сўз айтганим ҳам рост.  
Бундан хижолат ҳам бўлмаганман ҳеч,  
Бир оқшом ухламай чиққанман, холос.  
Нега сенинг кўзларингга, айт, тик  
Боқиб бўлмас сира ҳам,  
ВИЖДОН?..**

Жўрабек ҳар бир мисрани жимжимдор сўзлар билан безашга уринмайди, содда, самимий ифода йўлидан бориб, шеърларига ҳаётий мазмунни жойлашга интилади:

Қулаб тушган дарахтни кўриб,  
"Яхши ўтин бўпти", деб кўяр ошпаз.  
Ўлим ҳақлигига ишонади чол,  
"Мен ману яшайман", деб юрмас бошқа.

Йўғлайди урушда қатнашган одам,  
Суюнчи йўқ экан, деб ўтар дўстсиз,  
Қуяди фарзанддан айрилган она,  
Қарсиллаб аянаган дарахтни кўриб.

Дарҳақиқат, ҳар биримиз оламнинг асл манзараларини эмас, балки ўзимиз истаган жиҳатларни кўраемиз. Инсоннинг орзу истақлари, қалбидаги тугёнлар, кечинмалар ана шу кўраётганларимизни, пировардида, бизни ўраб турган оламни яратса, не ажаб? Шоир инсон табиатининг айни шу — ўзига хос жиҳатларини маҳорат билан қаламга олади.

Жўрабек Жаҳон шеърларини мисрама-мисра ўқиб эмас, балки яхлит тасаввур этибгина эстетик завқ туйиш мумкин. Бунга унинг аксарият шеърларида воқеабандликнинг етакчилигини сабаб қилиб кўрсатиш ўринли бўлар, эҳтимол. "Туйғулар шаҳарчаси" тўпламидан жой олган "Тун ва тонг", "Йилларки ўтса-да...", "Қамир чолга суяниб...", "Сен кетдинг", "Яшолмасанг керак", "Виждон азоби", "Хаёл" сингари шеърлар сюжет асосига қурилган. Жўрабек нозик, мавҳум кечинма ва туйғуларни ҳам муайян воқеликка боғлаб ифодалашга уринади. Унинг "Виждон

азоби" шеърда ана шу фикрларининг тасдиғини кўраемиз:

**Эшитгини қулфладим ичдан,  
Деразадан тош отдим Унга.  
Нега дес сўради:  
— Шунга.**

Ўқувчи, шеър номи бўлмаса, гап нима ҳақида кетаётганини англай олмайди. Шеър номи "Виждон азоби" экан, илк сатрлардаёқ ўз виждонидан, юрак амридан беркинаётган қаҳрамон характерларини англай бошлаймиз. "Туйғулар шаҳарчаси" шеърини тўплами билан танишар эканмиз, ёш шоирнинг ўз услубини белгилаб олишга дадил интилаётганига гувоҳ бўламиз.

"Биринчи китобим" туркумида чоп этилган ёш ижодкорларнинг илк китоблари замонавий адабиётимизга талантли ёшлар кириб келаётганидан шаҳодат бериб турибдики, биз учун муҳими ҳам шудир.

**Саъдулло ҚУРОНОВ**

# ЭНГ ЗИЙРАК ТОМОШАБИН

**Болалар театри сахна санъатининг оддий бир йўналиши эмас. Унинг томошабини энг зийрак ва талабчан санъат ихлосмандидир. Ёш томошабин учун сахна сир-синаотларга тўла, мўъжизавий бир олам. Шу сабаб жажжи томошабинларнинг спектаклга муносабати, завқланиши ва ҳатто олқиши ҳам ўзгача. Болалар маънавиятини бойитишдек масъулиятли вазифани бажариб келаётган Ёш томошабинлар театрида ҳозир ижодий жараён авжида. Театрнинг етакчи актёрларидан бири Баҳром Усмонов билан сўхбатимиз жамоанинг бугунги кундаги фаолияти, сахна санъатининг болалар тарбиясидаги аҳамияти хусусида бўлди.**

— Болалик даврининг қадри нафақат бегубор онлар шуқуқи, балки умримиз иморатига қийдевор кўйилиши билан ҳам қимматлидир. Инсон қалбига мурғаклигиданок эзгу хисларни сингдириш мумкин саналади. Шу маънода сахна санъатининг болалар маънавиятидаги ўрни айнан нималарда кўринади?

— Биласизми, баъзиларда болалар театрига нисбатан юзаки қараш шаклланиб қолган. Гўё қаҳрамон либосини кийиб, сахнага чиқиш билан масала ҳал бўлади, дегандек. Аслида бу тўғри эмас. Болаларга бағишланган ҳар бир спектакл худди ял-ял товланиб турган нақшинкор гиламга ўхшайди. Уни кўриб киши қалбига ҳаяжон, дилда ҳайрат ҳисси пайдо бўлади. Болалар театрининг захмати катталар театридан оз эмас. Чунки бизнинг томошабин оддий кузатувчи эмас. Сахнада кечаётган ҳеч бир воқеани унинг эътиборидан четда қолмайди. Агар спектаклда ҳаққоний бўёқлари хира тортиб, самимият иллари заиф тўқилган бўлса, томоша чок-чокидан ситилиб кетиши аниқ.

Эҳтимол, бу сийқаси чиққан гап бўлиб туялар, бироқ, назаримда, болалар театри ҳаммаша улкан тарбия ўчоғи вазифасини ўташи лозим. Бу жараёнда, энг мумҳими, болалар учун қизиқарли мавзунини, топа билишдири. Театримизнинг яна бир ўзига хос жиҳати, бувижонларимиздан эшитган дostonу ривоятини, эртагу ҳикоятларнинг сахнада акс этиши. Бу боланинг тасаввур дунёсини бойитиш, кўнгил уйига эзгулик нуруларини олиб киради. Бошқа томоша даргоҳларида бўлганидек, бизда ҳам болалар маънавий-руҳий оламини шакллантиришга хизмат қилувчи, тарбиявий аҳамиятга мoллик сахна асарлари намойишига алоҳида эътибор берилади. Масалан, ҳозир театримиз репертуарида миллий эртакларимиз руҳида саҳналаштирилган "Мешполвон" спектакли бор. Болалар кўз ўнгида, даставвал, танти, биров қайсарроқ қаҳрамон пайдо бўлади. Унинг гап-сўзию ўзини туттидан томошабинда кулги уйғониши табиий.

Бироқ воқеалар жараёнида у мард, жасур ҳамда кўркмас ўрлонга айланади. Спектаклнинг ибратли жиҳати ҳам шунда. Яъни болалар шўх ва сўзамол қаҳрамоннинг бошдан кечирганларини кўриб, мушкул вазиятда ўзини йўқотмай, ёмонликка қарши кураш орқали кийинчиликларни енгиб ўтиш, доимо ҳушёр

бўлиш зарурлигини тушуниб етишадди.

Ҳар бир спектаклимизга болаларга хос самимият ва бегуборликни сингдира билсақина фарзандларимиз театр томон ошиқади, сеvimли қаҳрамонлари чиқишини интиқ бўлиб кутади.

— "Соғлом бола йили" барча театрларга, айниқса, Ёш томошабинлар театри ижодкорларига алоҳида масъулият юклайди. Театрда бу борада қандай излашлар олиб борилмоқда? Умуман "Соғлом бола" ғоясининг сахнадаги бадий талқинини яратишда қайси масалаларга эътибор қаратилиши лозим, деб ўйлайсиз?

— Соғлом боланинг, аввало, маънавияти соғлом бўлиши зарурлиги барчага аён. Бу йўналишдаги асосий излашларимиз репертуар кўламини кенгайтиришга қаратилган. Мақсадимиз ёш томошабинлар учун замонавий талқиндаги сермазун ва ибратомуз спектакллар сонини кўпайтириш. Шу мавсум бир неча янги спектакл саҳналаштиришни режалаштирганмиз. Шулардан бири Пулат Мўминнинг "Ковоқов" асари. Шоир ижодига қайта мурожаат қилишимиздан мақсад, бир пайтлар минглаб болажонлар қалбидан жой олган спектаклнинг янги талқинини яратиш, жажжи томошабин қалбидидаги бегуборлик ва самимиятни янада кучайтириш.

Шунингдек, ўзбек халқ эртаклари асосида "Сусамбил", Абдулла Авлоқнинг "Авлоқатлик осонми?" асарларини саҳналаштиришга тайёргарлик кўрялмиз. Мазкур асарлар бо-

лалар билан бирга катта ёшдаги томошабинлар учун ҳам мўлжалланган. Уларда ёшлар келажагига таҳдид солувчи баъзи иллатлар танқид остига олиниб, мардлик ва адолатпарварлик ғоялари илгари сурилган. "Зумрад ва Қиммат", "Заҳарли томчилар", "Менинг дадам паҳлавон" сингари миллий характердаги сахна асарлари ҳамда Вайнушонинг "Маликани ким кутқаради?", хитой халқ эртаги асосида саҳналаштирилган "Сехрли дур", Г.Андерсеннинг "Менинг ўрдақчам" каби ранг-баранг мавзу ва жанрдаги асарлар ҳам болаларни маънан соғломлаштиришга хизмат қилиб келмоқда.


Болалар учун саҳналаштирилаётган спектаклларга қўйилаётган асосий талаб — бу оригинал ёндашув ҳисобланади. Болаларнинг маънавий, жисмоний баркамоллигини

## Болалар ва санъат

тарғиб қилувчи драматик асарлар жуда кўп. Бироқ театр ижодкорлари шунчаки, ибратомуз бир воқеани сахнага қўйиш билан чекланмаслиги лозим. Спектакл, аввало, болани ҳайратга солиши, унинг ўй-фикрини банд этишга қодир даражада таъсирли сахналарга бой бўлиши мумкин. "Соғлом бола" мавзунинг талқинида ҳам театрлар қоллига айланган панд-насихат руҳидаги асарлардан четлашишга, замонавий болаларнинг ўй-фикрларини, ютуқ ва муаммоларини акс эттиришга ҳаракат қилиши зарур.

— Мазлумки, актёрлик сахна санъатининг энг машаққатли соҳаларидан бири. Гап болалар учун рол ижро қилиш борасида кетганда масъулият янада ортади. Шаҳсан ўзингиз актёр сифатида кичик томошабинлар кўнглига йўл топа олишининг мураккаб жиҳатлари нимада деб ўйлайсиз?

— Устоз санъаткор Зикир Мухаммаджонов "Актёр учун қандай рол бўлишининг аҳамияти йўқ, ҳамма гап уни қандай ижро этишда", дея алоҳида таъкидлаган эди. Болалар театрида ҳам айна шу мезон мумҳим саналади. Чунки болаларни ишонтира билиш осон иш эмас. Улар энг сезгир ва зийрак томошабин. Кўғирчоқ ўйнаб ўтирган болакайга бир разм



солинг-а. Овунчоғига худди жони бор инсондек муносабатда бўлади. Уни ардоқлаб, ғойибона сўхбатлар қуради.

Болалар актёри сахнадаги ҳар битта сўз ва хатти-ҳаракатига эҳтиёт бўлиши керак. Ҳаддан зиёд бўрттирилган ёки меъёрига етмаган ижронини бола дарров пайқайди. Шунинг учун актёрдан доимо мувозанатни сақлаб туриш талаб этилади. Кечаги арвод билан бугунги техника ва интеллектуал юксалиш асрида яшаётган болалар ўртасида фарқ катта. Уларни спектаклга нисбатан қизиқтира олиш, қаҳрамонлар ҳаётининг таъминлаш мумҳим вазифага айланган. Шу сабабли замонавий актёр болаларнинг дунёқарашини ўрганиши, уларни қизиқтирадиган масалаларни яхши билиши керак. Бир сўз билан айтганда, болаларга рол ижро этиш учун бола кайи баланд фикрлай олиш зарур.

— Бугун болалар театри билан боғлиқ қандай долзарб масалалар мавжуд?

— Энг оғрикли нуқталаримиздан бири болаларга бағишланган драматик асарларнинг озлигида деб ўйлайман. Тўғри, театримизга мунтазам равишда турли пиесалар тақдим этилади. Бироқ уларнинг аксарияти драматургия талабларига, замон талабига жавоб бермайди. Биз ижодкорлардан биринчи навбатда болани эртанги кунга тайёрловчи, унинг фикрини тўғри шакллантира оладиган асарларни кутиб қоламиз. Ҳар бир спектакл бола қалбига теварак-атроф, ота-она, Ватанга бўлган меҳру муҳаббатни сингдиришга хизмат қилиши керак. Қачонки бола кўнглида оиласига муҳаббат кучли бўлса, у юртини ҳам шундай сева олади. Шунингдек, телеканаллар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашимиз зарур. Зеро, тарғибот ва ташвиқот ишларида телевидение билан ҳамкорлик мумҳим аҳамиятга эга.

Азиз МАТЌУБОВ сўхбатлашди.

# ПРОДЮСЕР АСЛИДА КИМ?

**"Шоу-бизнес" деган иборани бугун ҳар қадамда эшитасиз. Айниқса, эстрада санъатининг замонавий йўналишлари ҳақида гап борганда, беихтиёр шу ибора тилга олинади.**

Аслида, эстрада санъатининг бугунги қиёфаси, шакл-шамойили, хонандаларнинг сахна маданияти, одоб-ахлоқи, ижодий изланишлари, хуллас, жуда кенг маъно мўжассам бу ибората. Шоу-бизнес деганда нафақат хонандалар, балки уларнинг атрофида фаолият юритаётган бошқа ижодкорлар, ташкилотчилар ҳам назарда тутилади.

Замонавий эстрада талабларига кўра, ҳар бир хонанданинг ижодий гуруҳида продюсер, маъму, либос устаси, бастакорлар бўлиши зарур. Хонанданинг номи, рейтинги, маданияти ҳақида гап кетганда буларнинг барига биринчи навбатда продюсер жавоб беради. У хонанданинг репертуаридан тортиб, бошқа барча хатти-ҳаракатларига масуул шахс ҳисобланади.

Продюсер — аслида инглизча "producer" сўзидан келиб чиққан бўлиб, ташкилотчи, ишлаб чиқарувчи деган маъноларни англатади. Санъат соҳасида бу тушунча дастлаб XX асрнинг бошларида Фарб театрларида қўллана бошлаган. Кейинчалик, продюсерлик амалиёти кино ва мусиқа санъатининг ажралмас қисмига айланган. Ҳозирги кунда "мусиқий продюсер" деб аталувчи алоҳида касб эгалари мавжуд бўлиб, уларни раъсий маънода шоу-бизнеснинг режиссёрларига қиёслашди.

Ҳўш, миллий эстрадамизда фаолият юритаётган мусиқий продюсерларнинг барчаси ана шу талабга жавоб бера оладими? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб айтиш мушкул. Чунки бугун аксарият продюсерлар хонанданинг номидан тўйга тақлиф олиб, тўйда пул йиғишдан нарига ўтмайди. Шу ўринда табиий савол туғилади: продюсерлик фаолиятини тўғри йўлга қўйиш учун нималарга эътибор бериш зарур? Балки энг аввало продюсерлик фаолиятини қонунлаштириш керакдир. Шу эҳтиёждан келиб чиқиб, хонандалар сингари продюсерларга ҳам лицензия бериш масаласи "Ўзбекнаво" бирлашмаси томонидан кун тартибига қўйилди. Сабаби, юқорида айтиб ўтганимиздек, хонанданинг тadbирларига ва тўй-маъракаларига бориш тартибини режалаштирадиган, унинг репертуари ва сахна маданиятига жавоб берадиган продюсернинг ваколати аниқ белгиланиши лозим.

Репертуар масаласини олайлик. "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмасининг хонандалар олдида қўйётган асосий вазифаларидан бири репертуарни бадий пухта, савияли қўшиқлар билан бойитиш, қўшиқ матнига алоҳида эътибор бериш, тайёр хориз мусиқасига ўзбекча шеър қўйиб ижро этилган сохта "хитлар"дан воз кечиш, миллий қўшиқлар сонини кўпайтиришдан иборат. Буларнинг бари, шубҳасиз, продюсернинг профессионал савиясига боғлиқ. Ўзини хурмат қилган, ишинг кўзини билган ҳар қандай продюсер жонли ижро давр талаби эканини тушуниши, бунга

жиддий аҳамият бериши зарур.

Ҳозир жонли ижро масаласига ҳам катта эътибор қаратилаётгани сир эмас. Масалан, "Истиклол" саройида жонли ижрода юз фоиз концерт берадиган хонанда учун ижара пули текинлиги кўпчиликини қувонтирди. Бу моддий рағбат ижобий самарасини бериши аниқ. Шунинг баробарида яқка концерт бераётган хонанданинг қўшиқлари савияси, сахна либослари талаб даражада бўлиши, репертуардаги қўшиқларнинг қадамида ўттиз фоизи жонли ижро этилиши, дастурнинг қизиқарли ва мазмунли ўтиши борасида ҳам қатъий талаблар қўйилди. Эндиликда, хонандалар "Ўзбекнаво" бирлашмаси қрошида ташкил этилган лицензия кенгашига ўз қўшиқларини жонли ижрода тақдим этиши асосий талаблардан бири сифатида белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шоу-бизнес сахнанинг қонун-қоидаларини, хонанданинг томошабин олдидидаги масъулиятини инкор этмайди. Бинобарин, шоу-бизнесда ҳам меъёр, этика, дид бўлиши шарт.

Менталитетимизга зид ҳолда ярим яланғоч кийинган қизлар, дидсиз, одоб-ахлоқ кўчасидан ўтмаган хон-

нанда йигитчаларнинг савиясиз хонишларига чек қўйиш даври келди. Нафақат сахнадаги чиқишга, балки халқ хизматида ҳам хонанда масъулият билан ёндошиши лозим. Тўйда, худди сахнадаги каби, хонанда мухлислар эътиборида бўлади. Бирининг орзу-умид билан қилаётган тўйга бепасанд муносабатда бўлиш, даврани киздириш мақсадида ҳадеганда нуқул хориз "хит"ларини ижро этиш, кўча кийимиди тўйхонага кириб келиш хонандага ярашмайди.

Устоз-шоғирд аъналарига сadoқат, уни давом эттириш масаласида ҳам продюсернинг алоҳида ўрни бор: "Устоз кўрмаган шоғир бўлиш макомга йўрғалар", деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳозир республикада икки юз сақсонга яқин мусиқа мактаблари фаолият юритмоқда. Уларда қанчадан-қанча қобилиятли ёш санъат гўнчалари тахсил олмади. Хонандаларимиз республикамининг турли бурчакларида халқ хизматида бўлишди. Агар мана шу тўй хизматларидан биров ортиб, чек-ка худудлардаги мусиқа мактабларида бир-икки соат санъат гўнчаларида маҳорат дарсларини ўтишса, устоз-шоғирд аъналарига давомийлиги таъминланган бўларди. Бу дарслар нафақат мусиқа мактаби ўқувчилари, хонандаларнинг ўзи учун ҳам фойдадан холи эмас. Чунки маҳорат дарсларини ўтиш учун ижодкор изланади, ўз устида ишлайди, билим ва тажриба орттиради.

Очигини айтиш керакки, ҳозир шоу-бизнесда хонанда билан ишлаётган ҳақиқий продюсерлар у қадар кўп эмас. Ҳеч қандай малакеси, билими ва тажрибаси йўқ маъмурулар эса ўзини продюсер дея таърифлаб, хонанданинг соясига пул ишлаб юришди. Бинобарин, продюсерлик курсларини очиб ва шу соҳа бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш мумҳим масала. Зеро, продюсернинг ўз вазифаси, маъмурын эса ўз вазифаси бор. Бу икки тушунчани чалқаштириб юбормаслик лозим.

Феруза НОДИРОВА, киношунос



ларда спектаклларнинг ғоявий-бадий жиҳатлари, томошабиннинг маънавий-маърифий тарбиясида тутган ўрни атрофлича ёритиб берилган. Уларда бугунги театр жараёни, санъаткорлар ҳаёти ва фаолияти кенг таҳлил қилинган. "Портрет жанридаги мақолалари ҳам

## "БУГУНГИ ЎЗБЕК ТЕАТРИ"

Театршунос Эсонбой Ўриновнинг "Бугунги ўзбек театри" китобига муаллифнинг кейинги йигирма йил давомида матбуотда эълон қилган тақриз, портрет, муаммоли мақолалари шунингдек, маърифий-тарғибот йўналишидаги кўплаб чиқишлари жамланган. Тақриз-мақолалар бўлажак тадқиқотлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар учун бой манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тўплам ўқитувчи-педагоглар, театршунос, санъатшунос талабалар ҳамда кенг китобхоналарга мўлжалланган.

## Китобдан яхши дўст бўлмас

қаламга олинган, ўқувчи учун янги фактологик ва ижодий фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган".

Мазкур рисоланинг аҳамияти шундаки, ундаги мақолалар бўлажак тадқиқотлар, радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар учун бой манба бўлиб хизмат қилиши мумкин. Тўплам ўқитувчи-педагоглар, театршунос, санъатшунос талабалар ҳамда кенг китобхоналарга мўлжалланган.

Аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Камалак жилоси» кўрик-танловининг бу йилги якуний босқичига вилоятларда ғолиб бўлган «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларининг юздан ортқ акварел расмлари ва саксондан зиёд амалий санъат асарлари тақдим этилди.

Болаларнинг орзу-умидлари, миллий қадриятларимизга муносабати, она табиятга меҳр-муҳаббати оддий, таъсирли тасвирланган ушбу кўргазмани «орзулар оламига саёҳат», дейиш мумкин.

Биринчи ўринга муносиб деб топилган «Оқ кема» макети муаллифи Сирдарёдаги «Болалар шахарчаси» тарбияланувчиси саккиз ёшли Юрий Савин. «Кема ясашни жуда яхши кўраман, — дейди Юрий. — Яна лойдан тошбака, кучукчалар ясайман. Улар болалар уйидаги дўстларимга ҳам ёқади. Келажақда самолёт-соз бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун яхши ва кўп ўқиш кераклигини биламан».

Анджонлик тўққиз ёшли Асадбек Ҳабибуллаев «Дор

## ОРЗУЛАР ОЛАМИГА САЁҲАТ



Нигоҳ ўйинини томоша қилаётган одамлар суратини чизган. У асосан, қизил, кўк ва яшил ранглардан мароқ билан фойдаланган. Пойтахтимиздаги 23-«Меҳрибонлик уйи»нинг тарбияланувчиси олти ёшли Ольга Алексеева «Биз» деб номланган расмида дунё болалари қиёфасини акс эттирган бўлса, наво-

ийлик ўн икки ёшли Мафтуна Ёқубова «Меҳрибон она товуқ» номли ишда оппоқ патлар, мато ва бўёқлар ёрдамида она товуқ тасвирини ишонарли бера олган. Қашқадарёлик ўн икки ёшли 4 — «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиси Хадича Алимардоннова гоубеленда икки кўнчани сабзи ушлаган кўринишда ифода этган.

Сарвара ҚОСИМОВА

# АСКИЯЧИ ВА ҚИЗИҚЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Миллий номоддий маданий меросимизнинг энг томошабоп ва ноёб жанрлари бўлган аския ва қизиқчилик санъати ҳамда Афанди латифалари ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Миллий номоддий маданий меросимизнинг энг томошабоп ва ноёб жанрлари бўлган аския ва қизиқчилик санъати ҳамда Афанди латифалари ижрочиларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра аския ижроси бўйича Кўқон шахар аскиячилар гуруҳи биринчи ўринга сазовор бўлди. Андижон ва Сирдарё вилоятидан қатнашган аскиячилар

кули театри ва Сурхондарёдан Маданият ва аҳоли дам олиш маркази халқ театри иккинчи ўринни эгаллади.

Бухородан «Этиқод» халқ театри жамоаси Афанди латифалари ижроси бўйича биринчи ўринга, Андижондан Жумабой Хуралиев ва Кўқон шаҳридан ака-ука Нурматовлар иккинчи ўринга сазовор бўлди.

Бундан ташқари, бир неча иштирокчи турли совринлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Мухаммаджон ҚОЗОҚБОВ

## "Табассум — 2014"

ва самарқандлик Фазлиддин Болиқулов иккинчи ўринга лойиқ топилди. Миниатюра театри бўйича Қорақалпоғистоннинг Чимбой тумани хаваскорлик театр жамоаси биринчи ўринни, Фарғонадан «Хангома» халқ

# «Ё ўрнинг бўлсин, ё бурнинг...»

Анвар ОБИДЖОН — бу исми эшитмаган, лоақал битта шеърини ёд олмаган ўзбек боласи йўқ. Болаларнинг қалб жавонидан муносиб ўрин олган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон ҳаётда қандай одам, шеърлари каби ҳазилкашми, эрками, ёки Аламазон сингари “безорими?”. Биз куйида сеvimли шоиримизнинг ҳаётида бўлиб ўтган гурунлар, суҳбатлар, таниш-билишлар орасидаги ўзаро “шумликларни” сизга илиндик. Шуларни ўқиб шоирни яна-да яқиндан таниб олсангиз, ажабмас. Ҳа, яна бир гап: от изини той босади, деганларидек бу ҳангомаларни ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшитган ва қоғозга туширган шоирнинг ўғли Баҳром Обиджонов бўлади.

## ТУЛПОР БЎЛИШ ҚИЙИ

Ботир укам кичкинагида дадамни ҳол-жонига қўймай, от-от қилиб миниб ўйнаётган эди, бирдан Холис аммам келиб қолди. Дадам толиққан кўринишда ўрнидан туриб, уни қарши олгани уйдан чиқди. Аммам: “Ҳа, жуда хоргин кўринадан?” — деб сўраган эди, дадам кулимсираб:

— Йўғ-е, отдекман! — деди.

## ОБУНА

Ҳатто университетда ўқитганимда ҳам тамаки чекишимни дадамга сездирмасликка уринар эдим. Сигаретни уйга олиб киришдан қўчиб, уни квартирамизнинг ака ўзига қарашиб уйга олиб кириб қўйишим боис, бу қўти билан уйимиздагиларнинг иши бўлмасди.

Бир куни дадам ишдан жуда эрта қайтиб, уй йўлига қираётса, бешинчи қаватда турадиган кўшнимиз Раҳим ака ўзига қарашиб почта қутисини очаётган эмиш. Дадам: “Бизникиниям очиб кўринг-чи, балки калитингиз тушар”, дебди. Раҳим ака калитни солиб бураса, қарангки, тасодифан тўғри келиб, қўти очилибди. Дадам газеталарни олиб бўлиб, сигарет турганини кўрибди-ю, индамай яна кулфлатириб қўяверибди.

Ўқишдан қайтиб келсам, дадам

ёзув машинкасида ишлаб ўтирган экан, мени кўрибди, деди:

— Баҳромбой, чиқиб почта қутисини очиб кўр-чи, буна бўлган сигаретларимни ташлаб кетишдимикин?..

## ХУДОГА ТЎНКАМА

Дадам бир оғайнисининг жуда ялқовлигини юзига солса, Худо мени шундай яратган, нима қилай, деб тумтайибди. Дадам эса, мийғида қулиб сўз қотибди:

— Қайсидир машина лойга ботиб қолса, машина ихтиросисидан нима айб бор?..

## КИНОЯГА КИНОЯ

Бировларга ҳар хил писанда гаплар айтиб, шундан маза қилиб юрадиган бир кимса, кўпчиликининг олдида дадамга баландпарвозлик билан бокиб, ҳаётда ўз ўрнингиз борлигига қаттиқ ишонасизми, дея киноя ташлабди. Узининг савлатдор бурни билан очикчасига фахрланиб юрвчи дадам савол берган кишининг пучқ бурнига маънодор кўз ташлаб қўйиб, дебди:

— Буни аник билмадим-у, омалеийкин ҳар қандай одамнинг ҳаётда ё ўрни бўлиши керак, ё бурни.

## ТАНЛАШ

Дадам Тошкентдаги Чорсу бозорига яқин жойда йўлни кесиб ўтаётган экан, бир милиционер унинг олдида келиб, танбех берибди:



— Ака, тушунган одамга ўхшашсиз-у, ер ости йўлаги турганда, серкатнов кўчани кесиб ўтасиз-а.

— Тушунган одам бўлганим учун ҳам ернинг устини танладим-да, — деб жавоб қилибди дадам.

## ЭНГ АНГРАЙТИРАДИГАНИ

Дадам Юнусободдаги бекатда автобус кутиб турса, бир мусофир киши келиб, Тошкентнинг одами энг анграйтириб қўядиган жойи қаерда, деб савол берибди.

— Тошкентнинг қаерида пулингиз тугаб қолса, энг анграйтириб қўядиган жойи худди ўша ер, — дебди дадам.

## НОДИР УСКУНА

Холис аммамнинг набираси касал бўлиб, уни Тошкентдаги дўхтирларга олиб боришса, томографияга тушириб келинган, кейин аник ҳулоса чиқарамиз, дейишибди. Дадам бу қандай ускуналикни сўраган экан, одамнинг энг майда аъзосидаги энг нокик жараёни ҳам аник тахлил қилиб беради, деб тушунтиришибди. Шунда дадам дебди:

— Мўъжизани қаранг! Мениям шу ускунага бир туширинглр, миямда ҳали

ёзилмаган қанақа шеърлар тўпланиб ётганини билволай.

## МАЖБУРИЙЛИК

Бир куни уч ёшли қизим Тўмарис дадамнинг кучоғида ўтириб, катта дада, нимага сочингиз о-о-оппоқ, деб саволга тўтибди.

— Калламини кўп ишлатганман-да, — деб жавоб берибди дадам.

— Озроқ ишлатсангиз бўлмайди? — Бўлмайди, қизалгим, бўлмайди. Агар мен калламини ишлатмасам, бошқалар мени ишлатишди.

## ИЖОДКОРАЛИК

Дадам ёши еттиши биланок пенсияга чиқиб олганди. Буни эшитган айрим нашриётлар, хусусий газеталар раҳбарлари дадамни ишга таклиф қилишни бошлашибди.

Жумладан, “Янги аср авлоди” нашриёти директори Эркин Абдураҳмонов ҳам харидор бўлиб, бизга бош муҳаррир бўлиб ўтинг, ҳафтасига уч кун келиб турсангиз ҳам майли, дебди.

Дадам пича ўйлини қолибди, сўнг: — Пенсияда ҳар куни ёзишимга имкун тугилиб турганида, энди ҳафтава уч куним бекорга кетсинми! — деб жилмайибди.

## Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти бўш (вакант) ўринларга кафедралар бўйича катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.

«Халқ ижодиёти ва анъанавий қўшиқчилик» кафедрасига доцент (1), «Муסיқий-назарий фанлар» кафедрасига катта ўқитувчи (1), «Чолғу ижрочилиги» кафедрасига ўқитувчи (1), «Эстрада ва оммавий томошалар санъати» кафедрасига ўқитувчи (1), «Санъатшунослик ва маданиятшунослик» кафедрасига ўқитувчи (1).

### Танловда иштирок этиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ректор номига ариза;
- ишловчининг шахсий варақаси;
- маълумоти, илмий даражаси, илмий унвони ҳақидаги диплом нусхалари;
- паспорт нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати (илмий котиб томонидан тасдиқланган ҳолда);
- малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.

Манзил: 100164, Тошкент шаҳар, Яланғоч даҳаси, 127-«а» уй.  
Телефонлар: 230-28-02, 230-28-11.

## Китобдан яхши дўст бўлмас

### “ОТА УЙИМ”

Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матёқубова “Юрак билан юзма-юз”, “Қалб гавҳари” сингари кўплаб шеърли тўпламлари, “Дарёга ботаётган кўёш”, “Зиёга ботаётган дарё” дostonлари, она юрт меҳри акс этган шеърли туркумлари билан адабиёт мухлисларига яхши маълум. “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти яқинда таниқли шоиранинг “Ота уйим” деб номланган янги китобини босмадан чиқарди. Тўпламдан шеър ва таржималар, киноқисса, суҳбат ҳамда мақолалар ўрин олган.

“Менинг ота уйим”, “Фасллар руҳи”, “Қалбимиз ўртаси юлдузлар йўли”, “Мен коинотнинг бир овозиман”, “Тафаккур парчалари” сингари фасллардан жой олган “Мустақиллик мадҳи”, “Истиқлолнинг боғларида”, “Бир бахт бўй тиклайди”, “Пойтахтим”



дostonларидоги муҳаббат фалсафаси ҳақида сўз юритган.

каби шеърларда шоиранинг она юрт хуррияти боис ушалган кўнгул армонлари, дилида мавжланаётган ифтихор туйғулари поэтик ифодасини топган. Гулистон Матёқубова Махтумқули, Александр Блок, Афанасий Фет, Кенгесбой Каримов, Фотима Мирзаева ижодидан қилган таржималар ҳам ушбу китобга киритилган.

“Меҳри дунё” киноқиссасида муаллиф бир-бирига қиз бериб, келин тушириб қон-қардош бўлиб кетган бойсулик ва кўнғиротлик оилаларнинг бугунги бахтли турмуши, олис манзилларни боғлаган инсоний меҳр ришталари, Гулмуром ва Ифтихорнинг пок муҳаббати ҳақида ҳикоя қилади.

Академик Жуманазар Бозорбоев “Дарёга ботаётган кўёш, қалба сингдан дарё” сарлавҳали сўнгсўзида шоира дostonларидоги муҳаббат фалсафаси ҳақида сўз юритган.

### “ҚАШҚАР РУБОБИ”

Қадимдан устозлар ижро этган мураккаб асарларни шоғирдларга осон йўл билан ўргатиш, уларнинг диққат-этиборини бир ерга жамлаш, ўз кучига ишонтириш ва руҳий мадад бериш каби тажрибалардан самарали фойдаланиб келинган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, устоз созанда Одилжон Назаровнинг “Қашқар рубоби” ўқув қўлланмаси ана шу нуқтаи назардан эътиборга молик.

Мазкур рисола болалар муסיқа ва санъат мактаблари ўқитувчи ҳамда ўқувчилари учун мўлжалланган. Биринчи қисмда Абу Наср Форобий, Абдулқодир Мароғий, Дарвеш Али Чанғий сингари алломаларнинг муסיқий асарлари, нота ва билан боғлиқ маълумотларга кенг ўрин берилган. “Услубий кўрсатмалар” номли учинчи қисмда эса, товуш ҳосил қилиш, муסיқий безаклар, уни мустақил ўрганиш ва мустаҳкамлаш баён этилади. “Ижрочилик сабоқлари” деб номланган қисмда нота матнлари синфларга ажратиб берилгани ўқитувчи ва ўқувчилар учун қулайлик туғдиради. Чолғуда ижро қилиш учун берилган материаллар янги асарлар билан тўлдирилган.

Бахтиёр АЗИМОВ,  
педагогика фанлари номзоди

## Гул кўп, чаман кўп

### ЖАҲОН АДИБЛАРИ ҲАЁТИДАН

#### Жаҳонгашта шоир

Машҳур Чили шоири Пабло Неруданинг асл исми-шарифи Рикардо Рейес бўлган. Рикардо ўн ёшидан шеър ёза бошлаган ва уларни отасидан яшириб, ўзи севган чех адиби Ян Неруда номидан тахаллус олган. “Сельва аустараль” журналида шеърлари босилган, бу тахаллус унинг номига айланиб кетган. Таниқли шоира Габриэла Мистрал илк ижодини кузатиб, устозлик қилган. У дастлаб модерн услубига кизиққан бўлса-да, сўнгра авандард йўналишини афзал кўради. Сантьягода талабалик даврида босилган “Муҳаббат ҳақида йигирма шеър ва бир умидсиз кўшиқ” китоби уни бутун Лотин Америкасига машҳур қилган.

Неруда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидаги элчилик даври фаолиятини “нурафшон ёлғизлик” деб атаган ва барча шеърларини “Яшаш жойим — Замин” деган ном остида эълон қилган. Буэнос-Айресда консул бўлиб ишлаган йиллари эса бу ерга “Қонли туй” трагедиясини саҳналаштириш учун келган Фердерико Гарсиа Лорка билан танишди. Мадридда ишлаган йиллари испан шоирлари билан ҳамкорликда “Шеърятнинг яшил тулпори” деган адабий журнал чиқарган. Испания фуқаролар уруши, Лорканинг ўлдирилиш фожиалари таъсирида “Юракда қолган Испания” китобини чоп эттирган.

Нобел мукофоти билан тақдирланганидан сўнг Неруда 1972 йили бетоб ҳолда ватанига қайтади.

Унинг “Умумбашарий кўшиқ” эпопеяси “XX аср шеърятининг залворли қаноти” сифатида баҳоланган. Англиялик танқидчи ва таржимон Аластир Рид “Шундай таассурот турғиладики, Пабло Неруда — битта шоир эмас, у бутун бир шеърлий корхона. У қанчалик янги услуб излаган бўлса, шунчалик эскичадан воз кечди ҳам. Неруда кўп овозли шоир эди”, деб ёзган. Чилилик шоир ва таржимон Фернандо Алериа эса, “У Лотин Америкаси халқларининг қалб тугёнини испан барокко шеърятини эришган юксак чўкки даражасида қуйлашга ҳаракат қилди”, дейди.

Меркурий сайёраси кратерларидан бири, кемалар унинг номи билан аталади. 1994 йили суратга олинди, Оскар мукофоти билан тақдирланган “Почталбон” бадиий филми бош қахрамонларидан бири ҳам Нерудадир.

## Адибнинг қатъий жавоби

Буюк немис адиби Томас Манн (1875-1955) журналистикага кизиқиб, ижодини сатирик журналга муҳаррирликдан бошлаган. Ҳикоялар тўплами чоп этилган, савдогарлар сулоласи ҳаётига доир “Будденброклар” асарини ёзади. Автобиографик характердаги бу илк роман уни ёзувчи сифатида кенг танитади. 1924 йили эълон қилинган “Сехрли тоғ” романи эса адибга жаҳоний шўҳрат келтириб, 1929 йили у Нобел мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин “Доктор Фаустус” романи, шунингдек, ўн йил мобайнида ёзилган “Иосиф ва унинг оға-инилари” тетралогияси шу даврдаги ижодида катта аҳамият касб этган бадиий асарлар бўлиб қолди. Сўнгги “Авантюрачи Фелекс Крулнинг саргузаштлари” романи эса, 1955 йили адиб вафотидан сўнг тугалланмай қолган.

Ўз иборалари, мақол ва ҳикматли сўзлари билан ҳам машҳур бўлган адиб вақт — ақлли ва яхши, этик ҳамда мукаммал одам бўлмоқ учун бизга берилган қимматбахш тўхфа, деб ҳисобланган. Айниқса, “Иккала жаҳон уруши жоҳиллик ва очкўзликка зўр бериб, умумий интеллектуал салоҳият ва маънавий даражани ниҳоятда тушириб юборди”, деган сўзлари бугун ҳам ҳавойи ниятлар учун уруш оловини ёқидан қайтмаётганларга машҳур адибнинг қатъий жавоби бўлиб янграмоқда.

## Мо Яннинг орзуси

Мо Янь 1955 йили Хитойнинг Шандун провинциясида туғилган Гуань Моенинг адабий тахаллусидир. У халқона тарихий эртақлар ва замонавийликни уйғунлаштирган ўзига хос реализми учун 2012 йили хитойлик ёзувчилар орасида илк бор Нобел мукофотига сазовор бўлган. 1986 йили нашр қилинган “Қизил голяни” қиссаси Миллий мукофот билан тақдирланган ва асар асосида бадиий филм яратилган. Адабий танқидчилик Мо Яньи XX аср Хитой тарихи йилномасини яратётган ёзувчи сифатида эътироф этади. Санъат академияси ва Адабиёт институти аспирантурасида ўқиган Мо Янь газета муҳаррири, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари вазифаларида фаолият олиб боради.

Мо Яннинг иқдор бўлишича, Ф.Рабле, П.Уайт, Г.Гарсиа Маркес ва У.Фолкнер асарлари ижодий шаклланишига таъсир кўрсатган. Адиб “ҳаётий энергиялар пўртанаси” деб атаган асарларида икки минг йиллик конфуцийвий тамаддун залвориди биқиниб ётган азалий илмий яратилган рўбга чиқишини орзу қилади. Цин давридан ҳозирга қадар яшаб ўтган хушқад, серпушт ва доно аёллар ҳаётини тасвирлаб, келбати қорувли аёллар жуда ҳам зарурлигига ургу беради. Сюрреалистик услубдаги “Мусаллас ватани” романида эса, таомга муқаддасдан кетиш ва бошқа ноҳўя одатлар мазах қилинган. Дехқонларнинг ерга муносабати тахлил этилган кейинги китоблари Мо Яннинг энг яхши асарлари сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди уюшма аъзоси Музаффар Аҳмедовга онаси ШУКУРЖОН аянинг вафоти муносабати билан чўкур хамдардлик билдиради.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИ

ҲОМИЙ:  
“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston  
adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32  
Қабулхона — 233-52-91  
Котибият — 233-49-93

Электрон манзилмиз:  
info@uzas.uz, uzas@mcs.uz

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40  
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош  
муҳаррир  
Сирожиiddин  
САЙИД

Таҳририятга келган кўлэмалар тахлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир — Барно СУЛТОНОВА  
Саҳифаловчи — Элёр МАХМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмахонаси.  
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй  
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 22.18

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам  
билан рўйхатга олинган. Адади — 6526 Буюртма Г — 558. Ҳажми — 3 босма табақ А-2.  
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ  
ЭРКИН.

ISSN 2183-614X

